

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – ЎЗР ФА академиги
 А.И.Ятусевич – РФА академиги
 Э.Д.Джавадов – РФА академиги
 Я.А.Юлдашбаев – РФА академиги
 Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси
 Б.Норқобилов – *Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси*
 Х. Юнусов – СамВМИ ректори, б.ф.д., профессор
 А.Орипов – профессор
 Ҳ.Салимов – профессор
 А.Даминов – профессор
 Р.Давлатов – профессор
 Қ.Норбоев – профессор
 Б.Б.Бакиров – профессор
 Н.Дилмуродов – профессор
 Ш.Джаббаров – в.ф.д.
 Б.Элмуродов – в.ф.д.
 Н.Йўлдошев – в.ф.д.
 Х.Ниёзов – в.ф.д.
 Б.Нарзиёв – в.ф.н., доцент
 Х.Бозоров – в.ф.н., доцент
 Р.Рўзиқулов – в.ф.н., доцент
 А.А.Белко – ВДВМА доценти
 Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
 Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
 Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,
 “AGROZOOVETSERVIS”
 масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил 2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй

Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 3850.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 06.09.2021.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #08 (165) 2021

“ALDIN GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Олмазор кўчаси, 1-уй.

Б.Норқобилов – Чинакам ислохотлар юрт фаровонлиги
 демакдир 3

Бугуннинг нафаси

А. Алиқулов – Меҳнати беминнат ветврачлар 4

Н.Эргашев – Ташхислаш шунчаки иш эмас, маҳоратдир..... 12

Истиқбол берган имкониятлар

И.Тангиров, Т.Мирзаев – Миллий кинология марказида ветеринария хизмати кўрсатиш истиқболлари..... 14

А.Саидов – Миллий кинология марказида зотдор ёш ит болалари кўпайтирилмоқда..... 15

Реклама

Тезкор ва аниқ ташхис – замон талаби 18

Семинар

С.Алиқулов – Натижа ветврачлар малакасига боғлиқ 21

Юқумли касалликлар

М.А.Рузимуродов, У.К.Саттаров, Б.Х.Куватов, А.Д. Улугмуродов
 – Цветной бруцеллёзный антиген для кольцевой реакции
 с молоком 23

Жарроҳлик

В.М.Eshburiyev, В.С.Алимов, М.Х.Хамидов – Sigirlarda homila yo‘ldoshining ushlanib qolishi sabablari va davolashning zamonaviy usullari 26

Микробиология

Ализаде Алибала Мамедсадиқ ўғли, Д.Юлдашев – Озарбайжон ва Ўзбекистон чорвачилиги, паррандачилигида “Бактовит-ж2 ва Бактовит пробиотиғи”ни қўллаш истиқболлари..... 29

Жараён

А.Алиқулов – Ветеринария хизмати: муаммолар ечими ўзимизга боғлиқ..... 33

Табрик 36

Editorial board:

J.Azimov – academic
 A.I.Yatusevich – academic RAN
 E.Dj.Djavodov – academic RAN
 Y.A.Yuldashbayev – academic RAN
 D.A.Devrshov – correspondent RAN
 B.Norqobilov – State Committee of
 Veterinary and Livestock
 development of the
 Republic of Uzbekistan
 X. Yunusov – doctor of biology, professor
 A.Oripov – professor
 X.Salimov – professor
 A.Daminov – professor
 R.Davlatov – professor
 Q.Norboev – professor
 B.B.Bakirov – – professor
 N.Dilmurodov – professor
 Sh.Djabbarov – doctor of veterinary
 B.Elmuradov – doctor of veterinary
 N.Yuldoshev – doctor of veterinary
 X.Niyozov – doctor of veterinary
 B.Narziev – doctor of veterinary
 X.Bozorov – doctor of veterinary
 R.Ruzikulov – doctor of veterinary
 A.A.Belko – dotsent VDVMA
 D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and
 Livestock development of the Republic of
 Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Live-
 stock development of the
 Republic of Uzbekistan,
 “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
 News agency by 0284**

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent,
 100070. Editorial address: 4,

Kushbegi, 22

Tashkent, 100022

Tel.: 99 307-01-68,

☎ 97 770-22-35

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 3850

Index: 1162

Permitted for print: 06.09.2021. Format
 60x84 1/8. Printed by Offset printing 4,25
 press works Order #414 Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #08 (165) 2021

Printed by “ALDIN GROUP”
 Co., Ltd., Tashkent city. 1, Olmazor str.

Bahrom Norkobilov – Real reforms - achieving prosperity of the
 country3

Today's news

A. Alikulov – Sincere veterinarians.....4
N.Ergashev – Diagnosis as a skill.....12

Future Opportunities

I.Tangirov, T.Mirzaev – Prospects for the provision of veterinary
 services at the National Cynology Center.....14
A. Saidov – Breeding purebred dogs at the National
 Cynology Center15

Advertising

Prompt and accurate diagnosis is the need of the hour.....18

Seminar

S. Alikulov – The result depends on the experience
 of veterinarians.....21

Contagious diseases

M.A.Ruzimurodov, U.K. Sattarov, B.Kh. Kuvatov,
A.D. Ulugmuradov – Milk ring test for brucella antibodies23

Surgery

B.M. Eshburiyev, B.S. Alimov, M.H. Khamidov – Causes of
 retention of placenta in cows and modern methods of its treatment....26

Microbiology

Alizade Alibala Mamedsadik, D.Yuldashev – Prospects for the
 use of probiotics “Baktovit-j2-j2” in animal husbandry and poultry
 in Azerbaijan and Uzbekistan29

Process

A.Alikulov – Veterinary service: the solution of problems
 depends on us.....33
 Congratulations36

ЧИНАКАМ ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ДЕМАКДИР

Мустақиллик йилларига турли хил ракурслардан назар ташласак, ўтган йилларнинг ўз муаммоси ва ютуқлари намойён бўлади. Ўтган ва ўтаётган кунларимиз гоҳида ютуқ, гоҳида муаммолари билан эсда қолади.

Жамиятнинг барча жабҳаларидаги камчилик ва хатоларимизга назар ташлаб гоҳида хулоса чиқарсак, гоҳида узоқ йиллик истиқболли режаларимизга замин ҳозирлаймиз.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган истиқболли ислохотларнинг таг замирида, назаримда ана шундай хулосалар мужассам. Яъники, кечаги куннинг хатоларидан оқилона хулоса чиқарилиб, ўз вақтида замирида инсон тақдири турган одилона қарорлар қабул қилинаёпти. Давлат идоралари инсоннинг қадрини кўтариш, ижтимоий адолат ва аҳолини рози қилиш тамойили асосида иш юритишга ўтганлиги муҳтарам юртбошимиз бошлаб берган ислохотларнинг дастлабки босқичидир.



Ветеринария ва чорвачилик соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб негизида аҳолини сифатли ва арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдек улуғ мақсадлар мужассамлашган.

Биргина мисол, давлатимиз раҳбарининг соҳага эътибори туфайли жорий йилнинг шу кунига қадар қорамолчилик йўналишидаги йирик лойиҳалар ишга туширилиб, қуввати 100 бошдан 300 бошгача бўлган хўжаликлар 1 минг 124 тани, 300-500 бош бўлган хўжаликлар 460 тани, 500 бошдан 1000 бошгача бўлган хўжаликлар сони 256 тани, 1000 бош ва ундан юқори бўлган хўжаликлар сони 136 тани ташкил этди.

Республикада айтилган жами 17 минг 66 та чорвачилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан қорамолчилик йўналишида 7 минг 48 та, қўй ва эчкичилик 3 минг 263 та, йилкичилик 142 та, туячилик 52 та, паррандачилик 1 минг 163 та, балиқчилик 4 минг 829 та, асаларичилик 415 та ва қуёнчилик йўналишларида 154 тани ташкил этади.

Жорий йилнинг шу пайтига қадар чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 278 та чорвачилик субъектига 34 млрд 143 млн сўм субсидия ажратилди.

Шундан импорт қилинган насли қорамоллар учун 209 та чорвачилик субъектига 9956 бош мол

учун 19 млрд 912 млн сўм, импорт қилинган насли қўй-эчкилар учун 21 та фермер хўжалигига 8191 бош майда мол учун 3 млрд 291 млн сўм субсидия берилди.

Импорт қилинган бир кунлик жўжалар учун 15 та хўжаликка 699414 бош парранда учун 6 млрд 294 млн 726 минг сўм ажратилди.

Ўзимизда етиштирилган насли қорамоллар учун 14 та хўжаликка 966 бош қорамол учун 966 млн сўм, балиқчилик хўжаликлари томонидан интенсив усулда етиштирилган балиқлар учун 19 та хўжаликка 3678 тонна балиқ учун 3 млрд 378

млн 628 минг сўм субсидия берилди.

Нафақат юртимиз, балки дунёнинг барча давлатлари учун жиддий синов палласи ҳисобланган коронавирус пандемияси даврида мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотлари тақчиллиги юзга келмаганлигини, чорва маҳсулотлари нархи барқарорлигини ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлатимиз раҳбари бошлаб берган ислохотларнинг дастлабки самараси десак хато айтмаган бўламиз.

Албатта, ҳали олдинда амалга ошириладиган ишларимиз бисёр. Айтилган пайтда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассислари соҳага доир узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли стратегия ишлаб чиқмоқда. Юртимизни дунёнинг чорвачилик соҳаси ривожланган давлатлар сафига олиб чиқиш борасидаги режалар хусусида изланишлар олиб бораёпти.

Яқин келажакда ана шундай истиқболли режаларимизни амалиётга татбиқ эта бошласак, давлатимиз раҳбари бошлаб берган кенг қўламли ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси

МЕҲНАТИ БЕМИННАТ ВЕТВРАЧЛАР

Аввало нашримизнинг барча муштарийларини, азиз ветеринария ходимларию элимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишига ўз ҳиссасини қўшаётган чорвадор фермерларни паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик билан шуғулланаётган, қайта ишлаш корхоналари қуриб қўшимча иш ўринлари яратаётган барча мулкдорларни ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклаймиз. Сўз бўлинг, ишларингизнинг ривожини берсин, барчамизни Яратганинг ўзи асрасин. Она ватанимиз гуллаб-яшнайверсин, азизлар!

Тахририят

Ўтаётган ҳар бир кун ҳаётимизда катта из қолдирмоқда. Вақт эса югурик. Кўз очиб юмгунча 30 йил ортда қолди. Гўё кечагина Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган, янгидан-янги орзулар, режалар билан дунё кўз ўнгида намоён бўлган эди. Ўша маҳаллар Ўзбекистон дейилса кўпчилик билмасди ҳам, жаҳон харитасида бу давлатнинг ўзи кўринмасди. Жилов ҳам, молиявий кўмак ҳам олисда, шўролар давлатининг марказида эди. Истиклол эълон қилинган, мамлакат янги рўзгор сифатида иш бошлади, қийинчиликлару муаммолар гирдоба тараққийёт сари юз тутди. Афсуски, хайрли ишлар узоқ давом этмади, ютуқлар қатори сиёсату иқтисодиётда муаммолар яққол кўзга ташлана бошлади, кейинроқ депсинишлар юз берди, қўшни давлатлар билан муносабатлар чигаллашди, сўз эркинлиги бўғилди, минбарларда тадбиркор манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида кўп гапирилсада, молия-банк тизимида тартиб йўқола бошлади, пулнинг қадрсизланиши, валюта айирбошлашдаги қийинчиликлар барчани қийин аҳволга солиб қўйди. Эсланг, бор-йўғи олти йил аввал пластикдаги пулни нақд қилиш учун 20 фоизгача устама тўлашга мажбур эдик. Додингни ҳеч бир давлат идораси, ҳеч бир амалдор эшитмасди ҳам.

Ёруғми, қоронғуми, иллатлими, миннатлими, ҳаётимизнинг 30 йили ўтди кетди, нималарга улгурдик, қайси режалар қоғозда қолди, барчаси кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Кейинги тўрт йиллик ҳаёт эса ислохотлар кўлами, ўзгаришлар салмоғи билан асрларга татиғулик бўлмоқдаки, бу ҳол дунё сиёсатчиларию таҳлилчиларини-да ҳайратга солмоқда. Атрофимизда ҳамон иккиланиб, саросимада яшаётганлар ҳам йўқ эмас. Аммо бугун ҳақли равишда айтиш лозимки, Ўзбекистон том маънода ислохотлар маконига айланган. Инновация, хориж билан очиқ-ошқора, тенглик асосидаги муносабатлар, давлат раҳбарининг халқаро майдондаги ташаббуслари Ўзбекистон нуфузини буткул оширмоқда. Биз тараққий этган мамлакатлар билан бақамти туриб ишлашга, яшашга киришдик,

илгари кўркув саналган жуда кўп масалалар бугун оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Сўз эркинлиги, иш юритишнинг электрон шаклга ўтгани, молиявий тизимдаги очиқлик, ташқи қарзларни самарали бошқариш, уни мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга йўналтириш давлатнинг асосий мақсадига айланди. Ўзгаришлар кўлами шу қадар кўпки, қай бирини айтишни билмай шошасан. Ва яна бу шунчаки ҳавойи гаплар эмас.

Кечагина мамлакат раҳбари жамият ривожининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи саналган тадбиркорлар билан учрашди, дилдан суҳбатлашди ҳамда шу жараёнда юзлаб, минглаб муаммолар ўша жойнинг ўзидаёқ ҳал этилди. Учрашув баҳонасида қонунлару тартибларни ўзгартириш, солиқ имтиёзлари бериш, молиявий кўмак самарадорлигини ошириш зарурлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Иқтисодиётни юксалтиришда бизнеснинг ўрни нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини англаган Президент аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш орқали тадбиркорларни руҳлантириб юборди. Тадбиркор учун яратилган ҳар бир имконият, берилган имтиёз эртага ўн карра, юз карра фойдаси билан қайтади. Бу тизимнинг ривож топиши юз минглаб, миллионлаб янги иш ўрни яратиш, ёш тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш ҳам демакдир. Президентнинг ишбилармон кишилар билан учрашув ўтказгани, уларнинг сўзлари, фикрларини диққат билан эшитгани ва энг муҳими керакли кўрсатма ва таклифлар айтгани ана шу жиҳати билан ҳам қадрлидир. Энди ҳукумат аъзолари ҳам худди Президент каби ишлайман, яратаман, янги иш ўринлари ташкил этаман, деган кишига қайишмоғи керак. Ана шу тамойил доимий бўлсагина муаммолар барҳам топади.

Президент талабига кўра яқинда Тошкент вилояти Оҳангарон туманида Президентимизнинг 2021 йил 3 мартдаги “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан семинар ўтказилди. “Гуллоб” чорвачилик мажмуасида бўлиб ўтган мазкур анжу-

манда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Баҳром Норқобилов, Тошкент вилояти ҳокими Даврон Ҳидоятлов, сектор раҳбарлари, тижорат банклари вакиллари, ҳудудлардан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари эгалари ва фермерлар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқотда соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган муҳим йўналишларни белгилаб берди. Бугунги кунда мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор ошириш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария хизматлари сифатини ошириш, ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилишни самарали ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



– Ҳар қандай муаммони биргаликда, баҳам-жиҳатлик билан еча бўлади. Гап истак ва ҳоҳишда, – деди қўмита раиси Оҳангаронда бўлган учрашувда. – Ҳаракат, изланиш, кўпроқ даромад топишга интилиш бўлар экан, албатта, киши муаммоларга дуч келади. Бу табиий ҳол. Ҳамма гап ана шу қийинчиликларни енгиб ўтишда. Қолаверса, бугун давлат идоралари бизнес аҳлига, уларнинг фаолиятини янада жонлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан унумли фойдаланиш зарур.

Қўмита раисининг эътироф этишича, энг муҳим вазифа чорва моллари наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги хўжаликлар фаолияти ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

– Охириги беш йилда чорвачилик субъектлари сони 3 баравар ошди, – дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобилов. – Бугунги кунга қадар хорижий давлатлардан 90 минг бошдан ортиқ насли қорамоллар, 80 минг бошдан ортиқ қўй-эчкилар, шу жумладан, қўйларнинг “Меринос”, “Романов”, “Эдилбой” ва “Дорпер” зотлари, эчкиларнинг “Ангор” ва “Занен” зотлари келтирилди ва уларни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Анжуманда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик соҳалари мутасаддилар



ри сўзга чиқди. Қисқа ахборот бергач, улар “Агар бирор кишида бизнинг йўналиш бўйича муаммо бўлса, тортинманг, мурожаат қилинг, муаммони биргаликда ечамиз”, дейишди ва “қўл телефон”лари



рақамларини беришди. Очиги, илгари вазир ва унинг ўринбосарлари билан туман ҳудудида, марказдан узоқда жойлашган чорвачилик фермасида бундай

очиқ-ошкора суҳбат бўлмаган эди. Шунинг учун тадбиркорлар ишониб-ишонмай уларнинг телефон рақамларини ёзиб олишди. Чунки бугун тадбиркорни қийнаётган муаммолар жуда кўп. Аввало соҳада маҳсулот таннархи жуда қиммат бўлиб кетяпти. Озуқа ерлари ажратиш бериш, яйловлардан самарали фойдаланиш, бу соҳага инновацион тамойилларни жорий этиш талаб даражасида эмас. Лалмикор



ерларни тақсимлаш, чорва бош сонига мувофиқ ер ажратиш, банк хизматидаги сансалорлик, моддий-техник ресурслар таъминоти, қўйингчи, мулкдорни ҳокимлик ва бошқа идораларга тўхтовсиз қатнашга



мажбур қилаётган масалалар талайгина. Йиғилишда ана шу масалалар очиқ-ошкора айtilди. Қўмита раиси таъкидлаб ўтганидек, Президентимиз ташаббуслари билан чорвачилик соҳасида яна бир ҳужжат тайёрланмоқда ва тадбиркорлар томонидан айтиб ўтилган барча масалалар ечими ана шу ҳужжатда ўз аксини топади.

Тошкент вилоят ҳудудий “Чорванасл” маркази директори Нодирбек Маҳмудовнинг таъкидлашича, бугунги кунда вилоятда қорамолчилик,

қўй-эчкичилик бўйича 617 та хўжаликлар мавжуд. Унда 86 минг бошдан зиёд чорва боқилмоқда. Давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имтиёзлар туфайли жорий йилда 208 та янги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида қўшимча равишда яна жойларда 25 минг бош қорамол парваришланиб, 45 минг тонна қўшимча гўшт, 41 минг тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Бу йил чорвачилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун 7 миллиард сўм субсидия ажратилди. Бундан ташқари июль ойидан бошлаб тадбиркорларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун ҳам мазкур имтиёзлар берилмоқда. Шунингдек, жойларда наслчиликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар бошланган. Хусусан, ҳозир Оққўрғон туманида аҳоли хонадонига қорамолларнинг 75 фоизи насли ҳисобланади.

– Бугун чорвачилик соҳасида озуқа таъминоти, ҳайвонларни турли касалликларга чалинтирмасдан қўнайитириш масаласи кўтарилган экан, бу борада олимлар сўзига кулоқ тутиш, жойларда меҳнат қилаётган раҳбарларнинг ташаббускорлиги жуда муҳимдир. Фермада, аввало, тозалик бўлиши лозим, барча ишни илмий тавсиялар асосида йўлга қўйиш эса яна бир ютуқдир. Агар инновацион тамойилларни қўллашни ўрганиб олсак, тўйимли ва арзон озуқа етиштириш имкониятига ҳам эга бўламиз. Масалан, гидропоника, қурғоқчил жойларда томчилаб суғориш, ёмғирлатиб суғоришни ташкил этиш. Бу борада қўмита раиси алоҳида тўхталиб ўтдилар ва айрим мақсадлар учун давлат субсидиялар бераётганини айтдилар. Демак берилаётган имтиёздан тезкорлик билан унумли фойдаланиш керак. Ўйлайманки, бугунги учрашув тадбиркорлар учун катта қулайликлар яратиш беради, – дейди Юқори Чирчиқ туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи, ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори Хожиакбар Абдуллаев.

Семинарда соҳада мавжуд муаммоларни бартараф қилиш борасида аниқ таклифлар айtilди. Мазкур жараёнда тадбиркорларга вилоят ҳокимлиги, сектор раҳбарлари томонидан амалий кўмак берилмоқда. Муҳими, тадбиркорлар зарур бўлганда қайси амалдорга қай тартибда мурожаат қилиш лозимлигини билиб олишди.

Жойларда ўзгаришлар кўп

Билим ва тажриба уйғунлиги, бошқариш маҳорати мутахассиснинг том маънода эл орасидаги

нуфузини оширади. Одамлар биринчи бор кўрганда молингни даволайман, сунъий уруғлантириб, зотдор бузоқ туғилишига эришамиз, дейдиган мутахассисга кўпам ишонавермайди. Ҳамма гап иш жараёнида, жониворни даволашу кўпайтириш асносида кўзга ташланади. Янгийўл туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Саидкарим Асқаров эса 40 йилдан зиёд тажрибага эга. Қора меҳнатни ҳам, раҳбарлик азобини ҳам, минбарларда гўддайиб ўтиришни ҳам кўрган у. Муҳими, касал молнинг у ёқ-бу ёғини кўрса бас, дарров дардига малҳам топади. Шу боис янгийўллик чорвадору ветврачлар Саидкарим акани устоз, дея эъзозлашади. Ана шу инсоннинг тантилиги туфайли СамВМИни ўтган йил битирган бахмаллик йигит Абдулазиз Носиров Янгийўл туманига келди ва Саидкарим акага шогирд тушиб иш бошлади.

– Дастлаб иш жараёни бироз қийин бўлди, негаки, ўқиш билан амалиёт ўртасида катта фарк бўларкан-да. “Э аҳмоқ, шуниям билмайсанми”, деб қаттиқроқ уришиб беришса, қочиб кетишинг тайин, аммо устозларим беминнат одамлар, билмаганимни эринмасдан ўргатишмоқда. Шу боис Янгийўлга келиб ишлаётганимдан хурсандман, – дейди ёш мутахассис.

Дарвоқе, Абдулазиз яқинда уйланди, Бахмалда бўлиб ўтган тўйга ҳамкасблару устозлар баҳамжиҳатлик билан боришди. Хонадон соҳиби,



қишлоқ аҳли жамоанинг аҳиллигига қойил қолишди.

– Орзуим битта, келажакда маҳоратимни ошириб, билимдон ветврач бўлиш. Такдир насиб этиб бошлиқ бўлсам, Саидкарим ака сингари жамоанинг бошини қовуштираман. Чунки одамларнинг кут-баракаси аҳилликда, – дейди Абдулазиз Носиров.

Янгийўлда бўлган кун бўлим бошлиғини “Қўшоғоч” ветучастка мудири Саитазим Куралов



ва ёш мутахассис Абдулазиз Носиров ҳамда карантин милиционери Умид Ғаниев билан биргаликда расмга олдик, ишларингизга омад ёр бўлсин, дедик. Дарвоқе, Саидкарим ака туман молия бўлими бошлиғи Жамшид Маҳмудхоновдан миннатдор эканлигини алоҳида таъкидлади. Чунки молия бўлими бошлиғи дезинфекция воситалари ва қурилиш ишлари учун маҳаллий ғазнадан маблағ олишда Асқаровга кўмаклашмоқда. Чунки бусиз туманда эпизоотик барқарорликни таъминлаш қийин кечади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ВСЭЛнинг аҳамияти катта. Чунки бу ерда ишлаётган малакали мутахассислар деҳқон бозорига кириб кела-



ётган гўшт ва сут маҳсулотларини тезкорлик билан текширувдан ўтказди, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Кейинги йилларда деҳқон бозорларининг замонавий тарзда қайта бунёд этилиши ВСЭЛ лар учун ҳам қулайлик яратди. Илгари деҳқон бозорларида тартиб ўрнатиш, сифатли маҳсулотлар сотилишини назорат қилиш мушкул эди. Эндиликда гўшт ва сут маҳсулотлари расталари алоҳида

бунёд этилган ва ким қаерда савдо қияпти, барчаси қатъий белгилаб қўйилган. Назорат ва сифатни аниқлаш мақсадида олинган намуналар тажрибали мутахассислар томонидан пухта ўрганиб чиқилгач, керакли хулоса берилмоқда. Биз буни Янгийўл шаҳар деҳқон бозорида бўлиб, Маъмуржон Нурбоев бош бўлган ВСЭЛ фаолияти билан танишганимизда кўрдик.

– Шарип Юнусов, Гвҳар Абдуллаева ва Ойгул Абдуллаева сингари мутахассислар шижоати билан барча муаммоларни бартараф этиямиз, – дейди Маъмуржон Нурбоев.

Самарқанд ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Элмурод Тошмуродов Иштихон туманидаги “Кўктепа” ветучасткаси фаолияти билан танишди ва тумандаги барча ветеринария ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда ютуқлар қатори муаммо ва камчиликлар ҳам баралла айтилди. Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда вилоят ҳокими кўмаги билан кўпчилик ветеринария участкаларига ишхона шаклидаги контейнерлар ўрнатилди. Дезвоситалар, керакли асбоб-ускуналар сотиб олиш учун вилоят



ғазнасидан керакли маблағ ажратилмоқда. Бундан албатта ветеринария ходимлари хурсанд.

– Контейнерни ўрнатишганида, оббо, бу темир ишхонада ҳаммомга тушгандек исиб кетсам керак, ундан кўра пулини беришса, ўзимиз пахсадан бирор иморат қуриб олардик-да” деб ўйлагандим. Адашган эканман, буни девори иссиқ-совуқ ўтказмайдиган материал билан қопланган экан, қолаверса, кондиционер бор, керакли ҳароратга қўйсангиз бас бемалол ўтираверасиз. Шу контейнерни ясаган, жиҳозлаганга ҳам, пулини тўлаган раҳбарларга ҳам раҳмат, соғ бўлишсин, – дейди ветврач Ўткир Шодиев. – Бошқарма бошлиғи раҳбарлигида йиғилишнинг бу ерда ўтиши эса зиммамизга янада катта масъулият юклади. Насиб этса, ютуқларни янада кўпайтирамиз.

Турли туман кишлок хўжалик экинлари етиштириб келинаётган Кўшработ ветеринария ва чорва-

чиликни ривожлантириш бўлими ҳовлисида турфа гулларга ҳам кўзимиз тушди. Бўлим бошлиғи Аббос Нарзуллаев 21 йилдирки раҳбар, шу боис кейинги йилларда соҳада бўлаётган ўзгаришлардан беҳад хурсанд. Бундан уч йил илгари туман ҳокимининг кўмаги билан маҳаллий ғазнадан ветеринария бўлими биносини таъмирлаш ва қўшимча бино қуриш учун 340 миллион сўм ажратилди. Бошлиқ бу пулнинг сариқ чақасига ҳам хиёнат қилмасдан, қурувчини доимий назорат қилган ҳолда бунёдкорларга кўмакчи бўлди. Айни иш қизиган чоғда ишчиларни паловхонтўра билан сийлади ҳам. Ана шу фидойилик туфайли янги бино ҳашаматли тарзда қад кўтарди. Ва яна ўтган йил тумандаги 3та ветучастка мудирини контейнердан иборат бўлган ишхонага эга бўлди. Янги асбоб-ускуналар таъминоти, мутахассислар малакасини ошириш борасида ҳам Кўшработда муаммо йўқ. Келгуси йил СамВМИнинг ветеринария факультетини 8 нафар талаба битиради, ветврач бўламан, деб хужжат топширган ва айни чоғда натижасини интиқлик билан кутаётган ёшлар эса 15 нафардан ортиқ. Шунинг ўзиёқ чорвачилик тумани саналган Кўшработда ветеринарияга эътибор нечоғлик юксак эканлигини кўрсатиб турибди.

– Туманимизда қорамоллар бош сони 104 минг бошдан, қўй-қўзилару эчки-улоқлар ярим миллион бошдан ошади. 23та ветучасткада меҳнат қилаётган мутахассисларимиз эл хизматида. Агар тумanning бир қисми тоғу қирлардан иборат эканлиги у ёғи билан бу ёғи ўртасидаги масофа 100 километрдан ошишини назарда тутсак, ветучастка мудирларига транспорт воситаси керак. Айни чоғда ана шу ҳақда жиддий бош қотирыпмиз, – дейди Аббос Нарзуллаев. – Эпизоотолог укамиз Вали Мансуров яхши билади, йиғилишларда бўлган, ҳокимнинг чорвачиликни ривожлантириш ҳаёт-мамот масаласи, деб айтганини эшитган. Ана шу танги ҳокимдан



Журналимиз босмаҳонага топширилаётган кун Самарқанддан шумхабар эшитдик. Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Элмурод Тошмуродов бу ёруғ оламни тарк этибди. Аллоҳ охиратини обод қилсин, яхши инсон эди, вилоятда чорвачилик ва ветеринария соҳаларини ривожлантиришга, соҳага малакали ёшларни жалб этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ташаббускор раҳбар эди.

Қурьону карим оятларидан тиловатлар қилиб Элмурод Тошмуродовни яна бир қарра ёдга олди. Унинг шоғирдларини дўстлари кўп эди ва ҳеч шубҳа йўқки, у бошлаган хайрли ишларни ветеринария ходимлари давом эттирадилар.



300 миллион сўм пул сўраганмиз, албатта бу маблағ маҳаллий газнадан депутатлар кўллаб-қувватлаши билан ажратилади ва бу маблағни биз ветеринария хизматини янада такомиллаштиришга йўналтирамиз.

Очигини айтганда, бугун бу соҳага сарфланган маблағ худди мевали дарахт сингари эртага юқори самара беради.

Афсуски, республикамизнинг ҳамма туманларида ҳам ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг моддий-техник аҳволини яхшилашга туман ҳокимлари етарли даражада эътибор бераётгани йўқ. Масалан, Шеробод туманида. Бўлим бошлиғи, тажрибали ветврач Ҳайит Қўшоқовнинг сўзлари га караганда, ишхона таъмирга мухтож, аммо туман ҳокими чорвачилик ва ветеринарияни ривожлантириш ҳақида гапиради-ю, бу соҳага маблағ ажратишга келганда, “пул йўқ”, дейишдан нарига ўтмаяпти. Шеробод катта эл, туман ҳудудида чорва бош сони йилдан йилга ортиб бормоқда, хориждан насли қорамоллар келтириб, ферма ташкил қилган тадбиркорлар ҳам, кўйчиликни асосий машғулоти га айлантирган одамлар ҳам кўпайиб боряпти. Улар ўз фаолиятини ветврачлар хизматисиз тасаввур этолмаслиги ҳам бор гап, аммо иш сифати юқори бўлиши учун ветврачнинг ишхонасию асбоб-ускунаси, керакли воситалари бадастур бўлиши лозимда. Ана шу муаммолар бир пайтлар Россиядаги нуфузли институтда ўқиган, малака оширган Ҳайит Қўшоқовни доимо ўйлантириб келади.



– Яна бир муаммо шундаки, туманларда жойлашган ташхис марказларининг моддий-техник ҳолатини янада яхшилаш керак. Институтни битириб келаётган ёшларнинг ҳам билим савияси, малакаси жуда паст, баъзан оддий саволларга ҳам жавоб бериша олмайди. Баъзи ёш мутахассисларни икки-уч йил устоз ветврачга бириктириб кўйишга тўғри келяпти. Шу боис, менимча, СамВМИнинг чорвачилик мажмуалари, йирик фермер хўжаликлари билан алоқасини, талабаларнинг амалиёт жараёнини

янада яхшилаш, бу борада талабчанликни кескин ошириш керак, – дейди Ҳайит Қўшоқов. – Мухтор Саматов, Завқиддин Сувонов, Бердимурод Мақсудов сингари ўз касбини яхши кўрадиган кишилар билан бақамти туриб, эпизоотик тадбирларни сифатли ташкил этиямиз. Яратганга шукрки, туман ҳудудида ҳозирча хавфли касалликлар тарқалгани йўқ. Бундан кейин ҳам ветеринар осойишталикни сақлаш ўзимизга боғлиқ. Бу борада ёшларнинг ғайратига кўпроқ суянамиз.

Шўрчи туманидаги “Ёш ғайрат” маҳалласида жойлашган ветучастка мудир Шухрат Эрназаров ишхонасини таъмирлаш учун пул тополмаётганини айтиб ўтди. Янги асбоб-ускуналар, жаррохлик мажмуасини олиш учун ҳам маблағ керак, аммо қани ўша маблағ? Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида



имконият чекланган, туман ҳокими соҳага етарли даражада эътибор бермаяпти. Бундан ташқари, туманда йиғилишлар ҳаддан зиёд кўпайган. Идора раҳбарлари у йиғилишдан чиқиб, бу йиғилишга киришади. Бу эса иш самарадорлигига салбий таъсир ўтказмоқда. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғини дала юмушларига вакил сифатида жалб этиш ҳам Шўрчида одат тусини олган. Шухрат Эрназаров, Худойберди Ғаффоров сингари мутахассислар билан суҳбатлашиб ана шу эътирозларни эшитдик.

Яқинда 60 баҳорни қаршилаган тажрибали ветврач Холиёр Даванов эса 6 сотих жойдаги эски ветучастка биносини бузиб ташлаб, 977 миллион сўмга ветклиника қуриш ниятида эканлигини айтди. У бино лойиҳасини чиройли қилиб чиздирган экан, кўриб қувондик, офарин, дедик. Қайсидир ветучастка мудир пул йўқ, ҳокимлик маблағ ажратмаяпти, давлатнинг эътибори етарли эмас, деб турган маҳалда бундай ташаббус кўрсатиш ҳар қанча мактовга лойиқ-да. Холиёр Даванов билан Шўрчи шаҳрининг “Бўстон” маҳаллисида яшовчи Исомиддин Искандаров хонадонида бўлдик. Бу инсоннинг 15 бош қорамоли бор, шундан 8 боши сигир. Ўтган йил Даванов шу сигирлардан бирини пойтахтдаги “Ўзнасччилик” корхонасидан келтирилган зотдор бука уруғи билан сунъий уруғлантирган. Ана шу жонивор эгиз туғибди, бири урғочи, яна бири эр-

Хушхабар

Матбуот котиби – танлов ғолиби



Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов СамВМИ матбуот котиби Гулчеҳра Бердиёровани Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлгани учун самимий табриклади ва унинг фаолиятига омадлар тилади. Биз ҳам ғолиба сингилимиз ва соҳамизга яқиндан кўмаклашиб келаётган ҳурматли Эркинжон Турдимовни, Самарқанд аҳлини энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллик айёми билан муборакбод этамиз. Жон қадар азиз ва муқаррам она юртимизни, барчамизни Яратганининг ўзи асрасин, доимо соғ-саломат бўлайлик!

Таҳририят



как. Исомиддин ака буни кутмаган эди, “Холиёрбойга катта раҳмат, барака топсин” дейди.

– Ишхона табаррук жой, идорадан ниманидир ўмариб кетишни эмас, бал-

ки бу ерни обод ва ораста жойга айлантиришни кўзлаган кишигина барака топади. Шу боис ишхонамизни ҳашар йўли билан таъмирдан чиқардик, ҳовлига турфа хил гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экдик.

– Кўриб турганингиздек, чиройли масканга айланди, – дейди Бойсун туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Акмал Кенжаев Улуғбек Чўпонов, Мамаражаб Алламуродов каби ҳамкасблари билан суҳбатлашаркан. – Биласиз, Бойсун жаннатмонанд гўша, бу ерларда чорва боқмасликнинг ўзи гуноҳ, кўйчилик, йилқичилик, эчкичилик минг йилдирки, элимизнинг ҳаёт тарзига айланиб қолган. Айниқса, қиш ойларида ветврачларнинг хизматига талаб жуда ошади. Шу боис туман ҳокимидан 100 миллион сўм олиб, янги асбоб-ускуналар харид қилмоқчимиз. Ҳозир ҳам аҳволимиз ёмон эмас, аммо янгиси бўлса иш унумдорлиги ошади-да.

Акмал Кенжаев ветеринария соҳасида илмий изланишлар, янги инновацион таклиф ва тавсияларнинг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада журналда чоп этилаётган мақолалар мутахассисларга қўл келяпти.

– Ҳар қанча билимдон бўлманг, ўқиш-ўрганишдан тўхтасангиз, хатога йўл қўйишингиз тайин. Ахир чорва тирик организм, унда ҳар қуни турли ўзгаришлар юз беради. Тоғли ҳудуд бўлгани сабабли баъзан жониворлар шикастланади, турли касалликка чалинади. Молнинг тили бўлсаки, одам сингари қаери қандай оғриётганини айтиб турса. Ветврач зукколик билан хасталик меъёри ва

ҳолатини ўзи аниқлаб олиши лозим. Ана шу сабабли тажрибали ветврачни Бойсунда сўрайдигани кўп, топиш-тутиш борасида ҳам унинг олдига тушадиган бўлмайди, – дейди Акмал Кенжаев. – Бир неча йилдирки, ёш мутахассисларни тажрибали ветврачларга кўшиб муаммоли жойларга жўнатишни йўлга қўйдик. Замонавий тилда айтганда бу “мастер класс” дегани. Устозлар кўмагида ёшлар тобланади, ўн кунлаб тоғдан тушмай кўра-қўтонларда ётиб иш-



лайди. Албатта тоғ хавоси, қўй гўшти истеъмол қилиш, қизикқан соҳанг бўйича ишлаш йигитларга жуда маъқул келяпти, ҳеч ким нолигани йўқ. Бир сўз билан айтганда, Бойсунда фаровонлик.

– Бошлиғимиз Турғун Қорабоев билан маслаҳатлашиб, шу қарорга келдик, Қумқўрғон ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходимлари келгуси йил учун журнал обунасини вилоятда биринчи бўлиб яқунлайди. Фақат келгусида журнал саҳифаларида сурхондарёлик чорвадору ветеринария ходимлари, фидойилари ҳақида кўпроқ ёзинг. Қумқўрғонда иқтидорли мутахассислар кўп, уларни ҳар қанча мақтасангиз оз. Масалан, “Бешқаҳрамон” ветучастка мудири Жаббор Райимқулов, “Ғалаба” ветучастка мудири Хўжаназар Сафаров. Уларни одамлар яхши кўради, камтарлиги, билимдонлиги, масъулиятни ҳис этгани учун, – дейди Қумқўрғон туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ҳисобчиси Шароф Тоғаев.



Турғунбой Қорабоевнинг таклифи билан Қумқўрғон туманидаги “Angis Beef Agro” фермер хўжалигида

– Алпомишнинг тулпорини туғдириб уни даволаган ҳам, Барчинойга чиройли отни миндириб қўйган ҳам аслида ветврач. Бу касбнинг хосияти нечоғлик улуг эканлигини соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам такрор ва такрор айтганлар. Ўтмишда не-не чавандозлару саркардалар шу хизматнинг беминнат меҳнатидан баҳра олиб, молдухтирларни алкаган. Бугун эса соҳанинг нуфузи янада ошмоқда, – дейди Сурхондарё ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Тошбоев. – Албатта, эпизоотик барқарорликни таъминлашда, эмлаш ишларини сифатли ўтказиш, сунъий уруғлантириш самарадорлигини оширишда, бир сўз билан айтганда, барча иш жараёнларида “Veterinariya meditsinasi” журнали мутахассисларимиз учун асқотяпти. Чунки бу нашрда турли мавзулардаги илмий мақолалар чоп этилмоқда. Агар журналнинг беш-олти йиллик тахламини сақлаб қўйган бўлсангиз, бу сиз учун катта бойлик, деса бўлади. Шу боис бу йил обуна ишларини уюшқоқлик билан ўтказишни кўзлаяпмиз.



бўлди. Фермада 80 бош зотдор қорамоллар парвариш қилинмоқда. Жониворларнинг 55 боши абердин ангус зотли қорамоллар экан.

– Бугун чет эл дарвозалари очиқ, истаганча мол олиб келиш мумкин. Зотни танлаш ҳам ихтиёрингизда, фақат бу жониворларни тўғри ва тўйимли озиқлантира олишингиз керак, – дейди иш бошқарувчи Мақсуд Орипов. – Фаолиятимизни шу йил бозор талабини ўрганган ҳолда бошладик. Бизнес режамизга кўра, харажатлар ўзини қоплаши ҳамда фойдага чиқишимиз керак. Ана шу сабабли ветврачлару мутахассислар маслаҳатига амал қилган ҳолда кечаю кундуз меҳнат қиляпмиз.

Иш бошқарувчининг эътироф этишича, чорва билан шуғулланиш осон иш эмас экан. Бу ҳар куни, ҳар соатда харажат ва ҳаракат талаб этади ва яна зотдор мол боққан киши худди чақалокқа қарагандек доимий хушёрликни йўқотмасагина кўзлаган ниятига ета олади.

– Савдогар бўлсангиз кўнгил тусаганда дўконни ёпасиз-у, дам олаверасиз. Чорвадор эса ота-боболаримиз айтганидек, ўлганда тинади, аммо фермерлик баракасини, сигирлар туққандаги завқни бошқа жойдан топиб бўлмайди, – дейди Мақсуд Орипов. – Келажакда фарзандимни ветеринарияга ўқитмоқчиман. Чунки зўр чорвадорнинг ўзи ё жонкуяри албатта молдухтир бўлиши керак экан. Буни иш жараёнида сезяпман. Ана шунда муаммоларни ҳал этиш янада осонлашади.

Термиз туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Бахтиёр Зоировнинг институтни битириб иш бошлаганига 31 йилдан ошди. Шу йиллар ичида у турли лавозимларда ишлаб юзлаб шогирдлар орттирди, беминнат хизмати билан одамларнинг ҳурматини қозонди. Айни чоғда у давлат ишига ҳам, асосий касби саналган жониворларни даволашга ҳам вақт топади. Бошлиқнинг айтишича, айни чоғда туманда 6 та ветучастка мавжуд. 3 та эмлаш гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳлардаги мутахассислар хонадонма-хонадон юриб, чорва ҳайвонларини хавфли касалликларга



қарши эмлаб чиқяпти ва айни чоғда жониворлар бош сони ҳисобкитоб қилинмоқда. Бу йил СамВМИни Термиз туманида яшовчи икки йигит битириб келяпти. Бахтиёр ака уларни ишга олиш, тарбиялашни кўзлаяпти. Агар қийинчиликлардан кўрқмаса, ялқовлик қилишмаса, жамоа аъзосига айланади, акс

ҳолда институт дипломи шунчаки қоғозга айланади. Бу ёшларнинг ўзига боғлиқ. Ахир ота-боболаримиз айтганидек осон жойда нон борми?..

– Ҳақиқий ветврач қайси лавозимда ишламасин, амалиётдан узоқлашиб кетмаслиги керак. Фалончининг моли касал экан, боринг, кўринг, дея топширик беришдан осони йўқ. Молим хаста, дея мурожат қилган кишига “вақтим йўқ, боролмайман” деб бўладими. Албатта йўқ. Шу боис “ҳозир боришадим, ўзим озгина кечиксам керак, аммо ҳавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади”, дейман. Кимнидир ака, яна кимнидир ука, деб ишляпмиз. Муҳими, кўмитамиз раиси Баҳром Тўраевич раҳбарлигида соҳамиз нуфузи ошяпти, ана шундан беҳад хурсандман, – дейди Бахтиёр Зоиров. – Яқинда эшитиб жуда хурсанд бўлдим, кўмита раиси Тошкент вилоятида, Сирдарё туманида бўлиб тадбиркорлар билан учрашув ўтказибди, муаммо ва камчиликлар ўша ернинг ўзида ҳал этилибди. Бизга ҳам келсалар ёмон бўлмасди, ахир баракали инсоннинг оёғи остида бойлик, ризқ-насиба ётади, дейишади. Айни чоғда эса ҳурматли раисимизни, кўмита тизимидаги барча ҳамкасбларни ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклайман. Бизни тўқинлик сари етаклаб, кадр-қимматимизни ошираётган соҳамизга кўз тегмасин!

Абдунаби Алиқулов

ТАШХИСЛАШ ШУНЧАКИ ИШ ЭМАС, МАҲОРАТДИР

– Она Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги, бу кутлуғ айём бутун халқимизга, хорижда яшаётган эзгу ниятли ватандошларимизга катта қувонч келтирмоқда. Эътироф этиш керакки, тарихан жуда қисқа даврда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида, сиёсату иқтисод, маънавияту манадият, таълим тизимларида мисли кўрилмаган бекиёс ўзгаришлар юз берди. Шиддатли ва кишини хайратга соладиган ислохотлар айна чоғда ҳам туну кун давом этмоқда. Дунёга бизни тинчликсевар, таракқийпарвар, эзгуликка ошно халқ сифатида яна бир қарра танитган, имкониятларимизни янада кенгайтирган кейинги тўрт йиллик эврилишларни алоҳида таъкидламоқ зарур. Янги Ўзбекистон мўъжизалари жаҳонни лол қолдирмоқда. Айниқса Ўзбекистон ветеринария тизимида юз берган ўзгаришлар ХЭБ экспертларида ҳам, дунёнинг энг номдор компания ва фирмалари раҳбарлари, тадбиркорлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Президентимиз ташаббуслари билан ветеринария бошқармасининг алоҳида давлат кўмитасига айлантирилгани, унинг ваколатлари кенгайтирилгани, соҳадаги катта ўзгаришлар натижаси айна чоғда яққол кўзга ташланмоқда, – дейди Баҳриддин Тангяриқов. – Биргина кўмита тизимидаги бизнинг идорадаги янгиликларни назарда тутадиган бўлсак, бу табаррук даргоҳда қисқа даврда кўмитамиз раиси Баҳром Тўраевич Норқобиловнинг катта ёрдами билан тадрижий ўзгаришлар юз берди, моддий-техник ҳолатни буткул яхшилашга эришилди, мутахассислар малакасини ошириш янги босқичга кўтарилди.

Марказ директорининг таъкидлашича, Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази лабораториялари миллий аккредитациядан ўтказилган бўлиб, бугунги кунда марказ лабораториялари Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия, Франция, Беларус Республикаси, Россия, Корея каби давлатлардан келтирилган энг сўнгги замонавий жиҳозлар ва ташхис тест тўпламлар билан таъминланган. Марказ лабораториялари ҳайвонот дунёсига мансуб бўлган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини текшириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, парранда, балиқ, қуён, асаларининг ўта юқумли инфекция ва паразитар хавфли касалликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида қисқа муддатларда тезкор усулларда таҳлилларни ўтказиб ташхис қўйиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар, фермер хўжаликлар томонидан келтирилган патологик намуналарни қабул қилиб, хулоса натижаларини бериш асосий йўналиши ҳисобланади.

Маълумки, юқумли касалликларнинг 60 фоизи инсонларга ҳайвонлардан юқади. Ҳайвонлар инсонлар учун тўғридан тўғри зооноз касалликлар манбаи бўлиши билан бирга, улар кўпчилик инсон касалликларининг ташувчиси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра дунё бўйича бир неча ўн минглаб одамлар айнан зооноз касалликлар туфайли вафот этмоқда. Бундай вазиятда дунё микёсида ушбу касалликларни олдини олишни касалликларга тезлик ва аниқлик билан ташхис қўйиш бугунги кун талабидир.

– Очиғини айтганда ўтган йил пайдо бўлган ва бутун дунёни ларзага солган короновирус балоси, шу офат туфайли жорий этилган карантин олимлар, тиббиёт намояндалари, билимдонлари қатори ветеринария тизимидаги ташхислаш марказлари мутахассисларини ҳам қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Пандемия дунё иқтисодиётига жуда катта зарар келтирди ва бу офат гарчи эмлаш ишлари тезкорлик билан давом этаётган бўлса-да, ҳамон тўхтагани йўқ. Даврнинг ўзи тўғри ва тезкорлик билан ташхислаш том маънода маҳорат эканлигини кўрсатиб қўйди. Бу тиббиёт учун ҳам, ветеринария медицинаси учун ҳам бирдек талабдир. Бу ишни замонавий техника воситаларисиз, зукко мутахассиларсиз амалга ошириб бўлмаслиги ҳам кундай равшан, – дейди марказ директори Баҳриддин Тангяриқов. – Марказ қошида ҳайвонлар юқумли касалликларини аниқлайдиган бактериология, вирусология, серология, ИФТ ва ПЗР лабораториялар мавжуд бўлиб, касалликларга ташхис қўйишда классик усул билан биргаликда тезкор экспресс тест, иммунофермент таҳлили ва полимераз занжирли реакция усуллари орқали ташхис қўйилади. Иммунофермент таҳлил орқали ЙШҚ, МШҚ ва паррандалар касалликларига ташхис қўйиш билан бирга эмланган ҳайвонлардаги фаол иммунитет кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Марказ мутахассисларининг соғлигини ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитга зооноз касалликларни тарқатмаслик учун лабораторияда тоза ҳудуддан зарарли ҳудудга ўтишда махсус шлюиз мосламалари билан жиҳозланган. Шлюиз мосламасининг асосий вазифаси жиҳозларни, одамларни, асбобларни ва иш жойини ифлосланишдан, микроорганизмлардан ҳимоя қилишдир. Йўналтирилган ҳаво оқими ифлослантирувчи компонентлар, бактериялар билан тоза хонанинг ифлосланишини тўсади.

Токсикология лабораториясида инсон ва ҳайвон организми учун хавфли бўлган кимёвий токсинлар, захарли кимёвий моддаларнинг қолдиқ микдорини, шунингдек, ҳайвонларга бериладиган озуқа-ем ва озуқабоп қўшимчаларни сифати ва хавфсизлиги, таркибидаги пестицид қолдиғи ва оғир металл тузларни аниқлаш бўйича замонавий газхроматографияси (ГХ), юкори самарали суяқ хроматографияси (ВЖЭХ), полярограф лаборатория жиҳозлари билан таҳлил қилиш амалга оширилади.

– Сир эмаски, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тез ва кўпроқ маҳсулот олиш


учун хилма-хил витаминлар, гормонлар, пестицид, антибиотиклардан фойдаланиш оқибатида қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари маҳсулотлари ўзининг табиий биологик соф ҳолатини йўқотиб бораётгани кузатилмоқда ва бу ўта ташвишланарли ҳолатдир, – дейди Баҳриддин Таняриқов. – Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида ветеринария-санитария экспертиза микробиология, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги лабораторияси экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг гўшт, сут маҳсулотларнинг таркибидаги антибиотиклар қолдиғи, пестицидлар, заҳарли токсинлар, радиологик кўрсаткичлар, оғир металллар, биокимёвий текширишлар меъёрий хужжатлар асосида амалга ошириб келинмоқда.

Директорнинг сўзларига қараганда марказ лабораториясида Буюк Британиянинг «Randox Laboratories» ташкилоти томонидан ишлаб чиқарилган замонавий иммуннокимёвий биочипли анализатор «Evidence Investigator» жиҳози мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида асал, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларининг таркибидаги микотоксинлар, пестицид, антибиотиклар қолдиқлари мунтазам текширилмоқда. Натижада келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни экспорт – импорт қилишдаги тезкор лаборатория таҳлиллари ўтказиш жараёни янада такомиллашди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, тупроқ, дон ва дон маҳсулотлари, озуқа ва озуқабоп қўшимчаларнинг таркибидаги цезий, стронций (Атомтех жиҳози), радиометрик кўрсаткичлари альфа, бетта, гамма радиометр нурлари, СРП жиҳозлари билан текшириш жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5017-сон Қарорига мувофиқ Марказ хузурида “Чорва моллари ва паррандалар озуқаси таркибини таҳлил қилиш” ҳамда “Паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш” бўйича 2 та янги лабораториялар ташкил қилинди. Бу лабораторияларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан ажратилган 3 миллиард сўм маблағ ҳисобига янги лаборатория жиҳозлари олиб келинди. Бу ҳам кейинги бир йилда амалга оширилган энг катта ютуқлардан биридир.

Ташхис марказида илмий фаолият билан шуғулланиш, ҳайвонларга биосинов қўйиб, тажрибаларни амалга оширишда Украина давлатидан андоза олган ҳолда янги, жаҳон талабларга мос келадиган вивария барпо қилинмоқда.

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат марказида ёш кадрлар малакасини ошириш, улар олган назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, мутахассислик бўйича зарур кўникмалар ҳамда иш тажрибасини пухта ўргатиш бўйича



“Устоз-шогирд” анъаналари жорий этилган бўлиб, ҳар бир кўп йиллик иш тажрибага эга бўлган лаборатория мудирларига ёш кадрлар бириктирилган, улардаги бор билим ва тажрибаларни ўрганиш бўйича қатор дастурлар амалиётга жорий этилган. Марказнинг 70 фоизини ёш кадрлар ташкил қилади. Шундан 40 фоизи ветврач, 20 фоизи лаборатория мудиридир.

Шунингдек, марказ ёшларининг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун спорт майдончаси ва турли спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали қурилмоқда.

– Ўтаётган ҳар бир кун тарих, олтиндан-да бебаҳо вақтни, фурсатни ортга қайтариб бўлмайди. Шу боис ветеринария касбини танлаган йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, ўқиб ўрганиши лозим, дейман. Шу жараёнда ёшлар тизимнинг юраги ташхислаш эканлигини, бу жойда ишлаётган ҳар бир киши билимдон ва зукко бўлиши лозимлигини юракдан англамоғи зарур. Организмда кечаётган минг турли ўзгаришлар ва уларнинг оқибатини, келгусидаги салбий таъсирларни фақат ва фақат замонавий асбоб-ускуналар кўмагида аниқлаш, шу асосда тегишли чоралар кўришга киришиш мумкин. Ветеринария соҳасидаги ҳар бир ўзгариш, эришилаётган ютуқ бу сизу бизнинг бахтимиз, истиқболдаги улкан кашфиётлар учун қўйилган эзгу қадамдир. Шу боис сўзимнинг якунида заҳматли, аммо шарафли, эзгулик учун хизмат қилувчи касб эгалари – барча ветеринария мутахассисларини Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан муборакбод этаман. Яратганининг ўзи барчамизни, она юртимизни ўз паноҳида асрасин, – дейди Баҳриддин Таняриқов.

Набижон Эргашев ёзиб олди.

И.Тангиров, божхона хизмати майори
Т.Мирзаев, божхона хизмати лейтенанти,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Миллий кинология маркази

МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 21-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида ветеринария клиникаси ташкил этилди (низомга асосан) ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган клиникада итларга муолажа ўтказиш хонаси, жаррохлик хонаси, лаборатория хонаси ва рентген хоналари мавжуд.

Клиникада қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- итлар клиник кўрик ва заруратга кўра лаборатория-ташхис текширувларидан ўтказилади;
- итларни сақлаш, парваришlash, озиклантириш ҳамда кўпайтириш масалалари бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилади;
- итларда модда алмашинуви бузилиши касалликлари даволанади;

- микроскоп ёрдамида текширувлар;
- қоннинг биохимик текширувлари;
- қоннинг клиник текширувлари;
- ультра товуш текширувлари (УЗИ);
- рентген текширувлари;
- итнинг физиологик етилишини аниқлаш;
- дегельминтизация;
- эктопаразитларга қарши ишлов бериш;
- ўлат ва бошқа юкумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари;

– шунингдек, ит боқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишларининг (шу жумладан, ветеринария хизмати) интерактив тури жорий этилмоқда.

Бу эса ўз навбатида жисмоний ва юридик шахслар, итларда учрайдиган турли касалликлар тарихи, келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумотга эга бўлади.



А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази Хизмат итлари питомниги инструктори, Божхона хизмати катта лейтенанти

МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИДА ЗОТДОР ИТ БОЛАЛАРИ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Хукуматимизнинг 2021 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Кинология федерацияси, «Ўзбек бўрибосарлари» зотини сақлаш жамияти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланган. 25 йиллигини нишонлаш арафасида турган Миллий кинология маркази ноёб ва Марказий Осиёда ягона муассаса ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида марказ нафақат республика, балки бутун Марказий Осиё минтақасида кинологлар ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди.

Хизмат итлари питомнигида турли зотдаги хизмат итларини кўпайтириш, парваришлаш, рацион асосида озиклантириш, сақлаш ва урчитиш ишлари амалга оширилади. Бу ерда туғруқ мажмуи мавжуд бўлиб, бўғоз хизмат итлари сақланадиган туғруқ блоки ва ёш ит болалари сақланадиган блок мавжуд. Унда йилига ўртача 50 - 70 бошгача ит болалари туғилади. Туғилган ит болалари 8 ойлигигача хизмат итлари питомнигида парваришланиб, бошланғич машғулотлар олиб борилади.

Туғилган ит боласи умуман ҳимоясиз, тана харорати атроф-муҳитга боғлиқ, у кўрмайди ва эшитмайди, аммо эмиш ва озуқа реакциялари дастлабки дақиқалардан ривожланган бўлади. Вақт ўтиши билан терморегуляция ишлай боради, эшитиш йўллари очилади, 15-кунга бориб, кўзлари очилади ва эмаклашни бошлайди. Тукқандан кейин урғочи ит болаларини босиб, майиб қилиши мумкин бўлгани сабабли махсус қути ясалади. Қутининг ички четларига, ётган ит баландлигида горизонтал ҳолатда тахта қоқиб чиқилади. Ит боласи унинг ичида ётганда хавфдан холи бўлади. Қутининг тўшамаси қуруқ ва тоза бўлиши керак. Ит болалари туғилишининг биринчи кунда туғруқ блокига бириктирилган ходим уларнинг тусини, мажруҳлик бор ёки йўқлигини текширади. Одатда бу даврда (3 кунликда) айрим зотларга мансуб ит болаларининг думи ва зиёд бармоқлари кесиб ташланади.

Сут даврининг биринчи ярмида ит боласи она сути билан озикланади, аммо 10-15-кунлардан рационга турли оқсилли ва минерал қўшимчалар киритилиши мумкин. Ит боласида тез ривожланиш, турли рефлекслар намоён бўлиши кузатилади. У жуда кизиқувчан бўлиб қолади. Жун қопламаси ўзгаради, овози чиқади, ўйинқароқ бўлиб, химоя ҳолатини эгаллайди. Айрим зотларга мансуб ит болаларининг қулоқлари 2 ойликда кесилади.



Миллий кинология марказининг кириш дарвозаси ва I Love Dogs бурчаги

Хизмат итлари питомниги ва туғруқ блоки



15 кунлик ёш ит боласи

роитлари ҳисобга олинади. 3 ойдан сўнг бир хил жисмоний ҳолатга эга ит болалари 2-3 бошдан гуруҳларга бўлиниб, кенг яйраш жойларига ўтказилади. 3 ойлик ит боласига алоҳида озуқа идиши ажратиб берилади. 4 ойдан улар алоҳида-алоҳида ажратилиб, ҳар қайсисига тозалаш ва сақлаш буюмлари бириктирилади ва катта итлар сингари жойлаштирилади.

Ит боласининг нормал ўсиши ва ривожланиши куйидагиларда ифодаланади: 5-8 кунда эшитиш йўли очилади. Эшитиш қобилияти ривожлана бошлайди. 14-15 кунда нормаллашади; 10-15 кунда кўзлари очила бошлайди; 20-25 кунда сут тишлари чиқа бошлайди (8-10 кунда козиқ ва кесувчи тишлар, 60 кунда асосий сут тишлари тўлиқ чиқади). Ит болаларининг нормал ўсиши ва ривожланишини уларнинг вазни кўрсатади. Дастлабки 10 кунда улар ҳар куни ўлчанади. 10 кундан 1 ойгача кунора, 1 ойдан 2 ойгача ҳар 5 кунда, 2 ойдан 6 ойгача ҳар 10 кунда ва кейинчалик 1 ойда 1 марта ўлчанади. Нагижалар ёзиб борилади. Одатда 9 кунда ит боласининг вазни икки баробарга ошади. 18 кунга бориб, вазн 3,5-4 марта, 25 кунда 5-6 марта, 30 кунда 6-7 марта, 45 кунда 10-11 марта кўпаяди.

Ит болаларини асраш ва парваришlash унга қарайдиган шахсдан катта эътибор ва меҳр талаб қилади. Парваришlash ва озиклантириш ишлари қатъий режа бўйича олиб борилади. Ит боласи ўсиши билан уни ўстириш режими катта ёшдаги итларга нисбатан фарқ қилади. Окшомда ва ёмон об-ҳавода улар тоза ва қуруқ хонада, бошқа вақтда эса волежда сақланиши лозим. Бунда албатта маҳаллий иқлим ша-



Ёш ит боласи билан бошланғич машғулот олиб бориш

Ит болаларининг ўсиши ва ривожланишини назорат қилиш. Ит боласининг нормал ўсиши ва ривожланиши куйидагиларда ифодаланади: 5-8 кунда эшитиш йўли очилади. Эшитиш қобилияти ривожлана бошлайди. 14-15 кунда нормаллашади; 10-15 кунда кўзлари очила бошлайди; 20-25 кунда сут тишлари чиқа бошлайди (8-10 кунда козиқ ва кесувчи тишлар, 60 кунда асосий сут тишлари тўлиқ чиқади). Ит болаларининг нормал ўсиши ва ривожланишини уларнинг вазни кўрсатади. Дастлабки 10 кунда улар ҳар куни ўлчанади. 10 кундан 1 ойгача кунора, 1 ойдан 2 ойгача ҳар 5 кунда, 2 ойдан 6 ойгача ҳар 10 кунда ва кейинчалик 1 ойда 1 марта ўлчанади. Нагижалар ёзиб борилади. Одатда 9 кунда ит боласининг вазни икки баробарга ошади. 18 кунга бориб, вазн 3,5-4 марта, 25 кунда 5-6 марта, 30 кунда 6-7 марта, 45 кунда 10-11 марта кўпаяди.

Ит боласини озиклантириш. Ит болаларининг ривожланиши уларнинг туғилишидан то сутдан ажратилгунича, асосан дастлабки икки ҳафта ичида, эмиздирадиган урғочи итни тўғри озиклантириш билан боғлиқ бўлади. Ит болаларини кўшимча озиклантиришни сутдан бошлаш лозим. Бунда албатта янги, суюлтирилмаган ва сал иситилган (27°–30°) сут берилади. Сигир сутининг таркибини ит сутининг таркибига яқинлаштириш учун унинг 0,5-1 литрига 1 та хом товук тухуми қўшилади. Ит болалари 2 ҳафталик бўлгандан сўнг уларга сут, тухум, творог бериш керак. 2 ойлик ит боласи бир кунда 4 маротаба, 4-6 ойлиги 3 маротаба, 6-8 ойлиги 2 маротаба озиклантирилади. Ёки 1-4 ойлик ит болаларига кунлик озуқа меъёрига махсус ёш ит болалари учун тайёрланган қуруқ озуқадан берилиши мумкин. Бунда ит ёнида доимий сув бўлиши шарт.

Ман этилади: Парранда, балиқ ва ўткир мол суяқларини бериш. Қўй, чўчка гўшти, чўчқанинг калла гўшти, дудланган гўшт, озуқага лавр барги, гармдори, томатни қўшиш. Дуккакдиларни (нўхот, ловия) бериш.

Ит боласини тозалаш. Тозалашдан олдин ит яхшилаб кўздан кечирилади. Бунда ҳар-хил ҳашаротлар, жароҳат, яра ва шикастланишлар йўқлигига эътибор бериш лозим. Тозалашда тароқ ўнг қўлга олиниб, бош, бўйин, елка ва дум жунлари таралади. Шундан сўнг жунлар тароқ билан яхшилаб тозаланади. Тароқ ҳар сафар аввал енгил босилган ҳолда жун толаларига қарама-қарши ҳаракатлантирилади, сўнгра каттиқроқ босилган ҳолда жун толалари йўналиши бўйлаб ҳаракатлантирилади. Кўз, қулоқлари тоза доқа ёки пахтали тампон билан яхшилаб артилади. Зарурият бўлган вақтда доқа (тампон) тоза сувда намланиб олинади. Итнинг жунсиз жойлари ёки тананинг жуда ифлос жойлари латта ёки похол билан артилади. Итнинг кўплаб ички касалликлари тери ва жун қопламасидан ўзи намоён бўлади. Шунинг учун ит юнгини мунтазам кўздан кечириб туриш талаб этилади. Соғлом итнинг жуни ялтироқ ва ҳидсиз бўлади. Башарти жун хиралашса ёки тез-тез тўкила бошласа, дарҳол тегишли чора-тадбирлар кўриш зарур. Жунлари узун бўлган итларни тез-тез тозалаб туриш лозим.

Ит боласини ювинтириш. Йилнинг иссиқ пайтларида итларни ойига бир маротаба ювинтириш керак. Сувнинг ҳарорати об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда 30 °С даража ва ундан пастрок бўлиши мумкин.

Итларни ювинтириш учун махсус шампунлар ва суюқ совунлар ишлатилиши мумкин. Ювишдан олдин ит жунлари илиқ сувда хўлланиб олинадилар ва кейин жунга шампун қуюқ қилиб суртилади, ит танасига қўл билан яхшилаб ишқаланади ва шу тартибда ювилади.

Ит боласини чўмилтириш. Итлар фақат ёз ойларида чўмилтирилади. Итларни чўмилтиришда сув тоза, ҳарорати 20 °С даража ва ундан юқори бўлиши мумкин. Чўмилтириш итлар организмни чиниктиради, нерв системасига ижобий таъсир этади, ёш итларда ҳаракатланиш ва нафас олиш механизмларининг ривожланишига ёрдам беради. Чўмилтириш асосан эрталаб ёки тушликдан сўнг, озиклантириш олдидан ўтказилади. Чўмилтириш давомийлиги, 3-5 дақиқа бўлиб, аста-секин узайтирилиб борилади. Об-ҳаво иссиқ вақтларда итларни ҳар куни чўмилтириш мумкин.

Итнинг ўзи эркин сувга тушишга мажбур қилиш керак. Кўпинча итлар сувга оппартировка предмети отган вақтда тушишади.

Ит боласини сайр қилдириш. Сайр қилдириш катта ва ёш итларнинг ҳаракатланиши учун жуда муҳим ҳисобланади. Ҳар бир сайрнинг давомийлиги 30-40 дақиқани ташкил этади.

Ит боласига қилинадиган ветеринария тадбирлари 1. Дегельминтизация тадбири(гижжасизлантириш) “Азинокс-плюс” номли дори воситаси билан даволаш ит боласининг дастлабки 25 кунлигида, кейин 45 кунлигида, шундан сўнг ҳар уч ойда бир мартаба ўтказилади. Бунда, итнинг 10 кг тирик вазнига 1 таблеткадан оғиз орқали ичирилади.

2. “Ўлат ва бошқа юқумли касалликлар”га қарши (Гискан-5) вакцина билан ит боласи 1 ойлигида ва ундан 15 кундан сўнг қайта эмланади.

3. “Ўлат ва бошқа юқумли касалликлар”га қарши ит болалари 2 ойлигида ва ундан 21 кундан сўнг қайта

“Мултикан-4” вакцинаси билан эмланади. Хизмат итлари эса бир йилда бир мартаба эмланади.

4. Қутуриш касаллигига қарши ит болалари дастлаб 3-5 ойлигида ва кейинчалик 1 йилда бир мартаба эмланади.

5. Эктопаразитга (ташки паразитлар) қарши тадбирда “Барс капля” номли воситасидан фойдаланилиб, ҳар уч ойда бир мартаба ўтказилади. Бунда итнинг 10 кг тирик вазнига 1 донадан дори воситаси умуртка бўйлаб сеполади.

6. Қўшимча равишда ит болаларига 2 ойликдан 6 ойликка қадар, ҳар ойда “Калций-Д3” воситаси кунига 1 таблеткадан, овқат билан бирга 10 кун берилади.

Бундан ташқари, ҳар ойда бир мартаба бино ва вольерларнинг санитария ҳолатини сақлаш, турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида дезинфекция: ташқи қўзғатувчи касалликларни йўқ қилиш, бактерия вирус касалликлари олдини олиш ва дератизация: Ҳар хил кемирувчиларни йўқ қилиш мақсадида қўлланилади. Дезинсекция: ҳар хил зарарли ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар кўпайишининг олдини олиш мақсадида тартибли равишда режали тадбирлар ўтказилиб турилади.

2- 8 ойлик ёш ит болаларини ўргатиш. Ит болаларини тарбиялаш ишлари унинг мустақил юришидан, кўринадиган ва эшитиладиган қўзғаткичларни қабул қилишидан бошланиб, 2-8 ойгача, яъни уни ўргатиш (дрессировка) учун топширилгунгача давом этади. Тарбиялаш вақтида кучли қўзғаткичлар қўлланилмайди. Уларга оғриқ қақирувчи усуллар умуман ишлатилмайди. Муносабатлар оҳиста ва меҳрли бўлиши лозим. Ит болаларини уларнинг ёши ва келажакдаги хизмат йўналишини инобатга олиб ўргатиш керак. Машғулотлар озикланишига оз вақт қолган

(Давоми 20-бетда.)



Ёш ит боласини тараш ва тозалаш.



Ёш ит боласи ювинтириб артиш

ТЕЗКОР ВА АНИҚ ТАШХИС –

Сўнгги йиллар ичида Ўзбекистонда чорвачилик ва паррандачилик соҳасида кўплаб турли хилдаги чорвачилик кластерлари ва агрофирмалари пайдо бўлди ва улар чорва молларини етиштириш, наслчилик, селекция, тухумчилик, бўрдоқчилик, қорақўлчилик, балиқчилик, асаларичилик билан шуғулланмоқда. Уларни боқиш ва парвариш қилиш бўйича меъёрий ёндашувлар, шунингдек, махсус ва умумий ветеринария-санитария тадбирлари даражаси замон билан ҳамнафас ва сезиларли даражада ўзгармоқда.

Кўпгина фермер хўжаликларида касалликнинг ташхиси хар хил усулларда ва ҳозирги кунда кўпроқ эски усуллардан фойдаланилади. Ҳозирги замон шароитида бизлар таклиф қилаётган тезкор тестлар янги турдаги вирусли ва бактериял қўзғатувчилик ва ҳайвонлар танасига юқори даражада таъсир кўрсатадиган касалликларни барвақт, жуда эрта фазасида аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида чорва ҳайвонлари бош сонини сақлаш, сифатли гўшт, сут маҳсулотларини етиштиришда жуда муҳим омил ҳисобланади.

Организмдаги кўплаб юқумли касалликлар, ўткир шароитда ва ярим ўткир шароитда давом этиши мумкинлигини ҳисобга олсак касалликни шошилиш, аниқ ва тезкор диагностикаси алоҳида

аҳамиятга эга. Тўғри ташхис ўрнатган ҳолда, фермер хўжалиklarининг ветеринария ходимлари ўз вақтида ветеринария профилактика чораларини кўришлари мумкин.

Тезкор ташхис қўйиш учун қорамол, майда шохли мол ва паррандаларнинг кўплаб хавфли, юқумли касалликларининг антигенини аниқлаш учун тезкор (экспресс) тестлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай экспресс тестлар билан 10-20 дақиқа ичида ишончли ташхис қўйиш мумкин. Синов жараёни ўзи осон ва содда усулни ўз ичига олади. Экспресс тестлар тўғридан-тўғри фермада, дала, тоғ, чўл ва чегара худуди шароитларида ҳам қўлланилиши ўзини тўла оқлайди.




Тўғри ва ўз вақтида ўтказилган тест маълумотлари чорвадор қарамоғидаги ҳайвонларни мажбурий сўйиш ва касалликка чалиниб нобуд бўлишидан асраш ва энг муҳими, иқтисодий зарарни олдини олишга ёрдам беради.

Бундай тестларни Ўзбекистонга биринчилардан бўлиб “THE BRIDGE” МЧЖ компанияси тақдим этмоқда. Бу компания Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорликда ишлайди. Бу компания куйидаги касалликларга экспресс тестларни тақдим этади.

thebridge

ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ

КАСАЛЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА
ТЕЗКОР (ЭКСПРЕСС) ТЕСТ ТЎПЛАМЛАРИ

	 <p>Натижа атиги 10 дақиқада чиқади</p>	 <p>Синов ўтказиш осон, кўшимча ускуналар талаб этилмайди.</p>	 <p>Фойдаланишда қулайлиги. Лабораториядан ташқарида тест ўтказилиши.</p>
---	--	---	--



ЗАМОН ТАЛАБИ

Парранда гриппи бу тест орқали сиз товукларнинг организмида Парранда гриппи вируси бор-йўқлигини аниқлашингиз мумкин. Бунинг учун парранда клоакиси, нажаси ёки трахеясидан намуна керак бўлади холос. Синов мосламасида думалок намунавий порт (S) пластик кассетанинг пастки қисмида жойлашган. Тўртбурчак дисплейда синов (T) ва бошқарув (C) сатрлари жойлашган жой белгиланади. Парранда гриппи шубҳали сурувларда парранда гриппининг А типини барча кичик турларини тез ва осон аниқлаш учун скрининг тести сифатида мос келади. Маҳаллий қўлланилган бу ветеринарга клиник гумонли жойида тасдиқлашга, шунингдек хавф солувчи пандемиянинг олдини олиш учун мажбурий эпизоотик тадбирларни амалга оширишга дархол рухсат беради.

Юкумли бронхит касаллиги бу синов тўплами, товук клоакиси, трахея, буйрак ёки нажасда юкумли бронхит антигенини аниқлаш учун иммунохроматографик усулдир. Ушбу диагностик тест воситаси 10 дақиқа ичида юкумли бронхит касаллиги антигенларини тез ва осон аниқлаш имконини беради.

Ньюкасл касаллиги тўплами – томоқ, талоқ ёки товук буйрагида Ньюкасл касаллиги вируси антигенини сифатли аниқлаш учун иммунохроматографик усулдир. Тампон билан организмни талоқ ёки буй-

рак қисмидан тешиб намуна олинади.

Қорамол зардобиди, плазмасида ёки бутун қон тизимида қорамол ва барча турдаги қавшовчи хайвонлар бруцелла антитаначаларини аниқлаш учун иммунохроматографик усулдир. Бу бруцелла антитаначаларини барча турдаги қавшовчи хайвонлар зардоби, плазма ёки бутун қон орқали аниқлаш учун диагностика воситаси ҳисобланади. Агар намунада Бруцелла антитаначалари мавжуд бўлса, ушбу экспресс тестлар шу антитаначаларни аниқлаб беради.

Хулоса шуки ривожланаётган даврда ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалиги ва ветеринария соҳасида қўлланилаётган ушбу экспресс тестлар янгилик бўлиб, ўта хавфли касалликларни олдини олишга, чорвачилик, паррандачилик, бўрдоқчилик ва наслчилик соҳалари ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу эса ўз навбатида озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Мурожаат учун телефонлар:

Тел.: +998 97 923-10-86



+998 90 191-05-82

+ 998 91 551-89-88

thebridge

ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ

КАСАЛЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА
ТЕЗКОР (ЭКСПРЕСС) ТЕСТ ТЎПЛАМЛАРИ

	 <p>Натижа атиги 10 дақиқада чиқади</p>	 <p>Синов ўтказиш осон, қўшимча ускуналар талаб этилмайди.</p>	 <p>Фойдаланишда қулайлиги. Лабораториядан ташқарида тест ўтказилиши.</p>
--	--	---	--



(Давоми. Боши 15-17 бетларда.)

пайтда ўтказилади. Ўргатиш жойи уларга таниш ва кучли қўзғаткичларсиз бўлиши керак. Кейинчалик ўргатиш жойи алмаштирилади. Ит болаларида кераксиз кўникмалар ҳосил бўлишининг олди олинади.

Тарбияловчига 4-6 та ит боласи бириктирилади. Тарбиянинг муваффақиятли шарти ит болаларининг катта итларга тақлид қилишидир, у ёки бу ҳаракатларни (буюмларни ушлаб туриш, ўйин, озуқани ва эгасини излаш ва бошқ.) бажаришга қизиқтириш учун уларга мазали озуқа бўлакчалари бериб турилади. Ит болаларини толиқтириш умуман мумкин эмас, чунки улар ланж ва бефарқ бўлиб, тарбиячининг буйруқларини бажармай қўяди, бу эса кейинчалик тарбияга сезиларли зарар келтиради. Кўникмаларни ишлаб чиқишда буйруқлар кўп маротаба берилмаслиги керак. Ёш итларнинг олий асаб системаси юқори даражада ривожланганлиги сабабли, уларни ўргатиш бошқа хайвонларга нисбатан осон кўчади. Шунини эътиборга олиш керакки, ёш итларни ўргатишда, уларга янги, мутлақо бегона бўлган кўникмалар ўргатилмайди, аксинча, уларнинг ўзларида аввалдан мавжуд бўлган кўникмалар, яъни, бўйинбоғга, калта тасма билан кинолог ёнида юриш ва ўтириш, туриш, кидириш, химояланиш, турли макетларда ишлаш каби кўникмаларни буйруқ бўйича бажаришга ва шу кўникмаларни ўзида ривожлантиришга ўргатилади. Ўргатиш пайтида ёш итга таъсир этиш усулларини шу нуқтаи назардан келиб чиқиб йўлга қўйиш айниқса муҳимдир. 8 ойликдан бошлаб хизмат итида умумий ва тегишли йўналишлар бўйича махсус машқ курси кўникмалари шакллантирилади. Хизмат итининг хизмат даври 8-10 ёш (қарилик) деб белгиланган.

Соҳадаги янгиликлар. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 21-сон қарорининг 10-бандига



Ит болаларини апорт буюмига ўргатиш жараёни



Хизмат итида “ростлан” буйруғининг бажарилиши

асосан Божхона органлари хизматида фойдаланилмайдиган ит зотларини кўпайтириш ва аҳолига сотиш ишларини ташкил этиш мақсадида марказга Бигл ва Сибир Хаскиси зотига мансуб итлар олиб келиниб, кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Марказимиз директори А.Турсунов ташаббуслари билан 2020 йилдан ёш ит болаларига шарқона лақаблар қўйиш бошланган. Масалан: Чакмоқ, Вафодор, Вулқон, Кўрмак, Кескин каби лақаблар шулар жумласидандир. Бу лақаблар ўзининг жарангдорлиги ва маънодорлиги билан хизмат итларимизга ўзгача сифат бағишлаб, хизмат фаолиятида юксак натижаларга эришишига ишонамиз.

НАТИЖА ВЕТВРАЧЛАР МАЛАКАСИГА БОҒЛИҚ

Пойтахтимиздаги Божхона қўмитасига қарашли 13 гектар жойни эгаллаган ва замонавий асбоб-ускуналар, ўқув дастурлари билан тўлиқ жиҳозланган Миллий кинология марказида бугун 122 бошдан



ортиқ зотдор ит парвариш қилинмоқда. Бу даргоҳда малакали кинолог мутахассислар ва тажрибали, иқтидорли ветврачлар тарбияси билан улғайган хизмат итлари республикаимиз чегараларида ўз хизмат вазифасини юқори даражада уйдалаётгани қувончли ҳолатдир. Ахир кинология маркази фаолиятини ташкил этиш, такомиллаштириш учун давлат ғазнасида катта маблағлар сарфланмоқда. Яқинда эса марказ бошлигининг ташаббуси билан Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги таркибидаги кинология марказлари бошлиқлари, мутахассислари иштирокида семинар ўтказилди ва унда хизмат итларини тайёрлаш, озиклантириш, касалликлардан асраш сингари ўнлаб долзарб масалалар бўйича мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Мутахассислар ўзаро тажриба алмашдилар.



– Аввало барчангизни Ваганимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан табриклайман. Бу улғу айём ҳар бир хонадонга бир олам қувончлар олиб кирсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо



бўлсин. Бевосита ишхонамиз тўғрисида айтилган бўлсак, кейинги йилларда марказ фаолиятини такомиллаштиришга ҳукуратимиз ва қўмита раҳбарияти томонидан катта эътибор қаратилди. Турли даражадаги халқаро мусобақаларда иштирок этдик. Энг муҳими, шу ерда тарбия топган итларнинг иш жараёнида юқори натижа кўрсатишидир. Яқинда давлат чегарасида кинолог мутахассис, кичик инспектор Сардор Аҳмаджоновнинг “Симба” лақабли ити катта миқдордаги гиёҳванд моддани аниқлаб берди. Шу хизмати учун Сардорбек давлат мукофотига сазовор бўлди. Мана шундай ҳолатлар марказ фаолиятидаги ижобий ишлар натижасидир, – дейди кинология маркази бошлиғи, божхона хизмати полковниги Абдурахмон Турсунов. – Итларни тарбиялаш, йўналишлар бўйича ажратиб касалликка чалинтирмасдан ўстириш мураккаб масала. Ана





шу масалада ўзаро фикрлашсак, тажрибаларимизни ўргансак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бошлиқнинг эътирофи этишича, ҳукумат қарорига кўра марказ қошида ветклиника ташкил этилди ва ҳадемай бу даргоҳ аҳоли учун ҳам хизмат кўрсата бошлайди. Бундан ташқари, наслчилик ишларини такомиллаштириш, зотдор итлар шажарасини яратиш, шу асосда марказ нуфузини янада кўтариш режалаштирилган.

– Хорижда, хусусан, Россияда итларни сунъий уруғлантириш юқори савияда ташкил этилган. Зот хусусиятларини сақлаш, зотдор итларни кўпайтиришда сунъий уруғлантиришнинг ҳосияти бекиёс, бу кам харажат қилиб юқори самарадорликка эришмоқ демакдир. Шу боис келгусида марказимизда шу усулни жорий этмоқчимиз, зарур бўлса хориж тажрибаси ўрганилади, – дейди марказнинг ихтисослаштирилган ветеринария бўлими бошлиғи, божхона хизмати майори Илҳом Тангиоров. – Бундан ташқари, биз ёш итларда учрайдиган рахит касаллигини даволашга, хавфли касалликларга қарши эмлаш ишларини аниқ режа билан олиб боришга, дезинфекция ишларини сифатли ташкил этишга

алоҳида эътибор беряпмиз. Баъзан турли сабабларга кўра ҳайвон ўлади, ана шу сабабни тўлиқ таҳлил этиш борасида айрим муаммолар бор. Чунки айтилган тўлиқ ветеринария таҳлис марказларининг ўлган ҳайвонни тўлиқ текшириб ишончли хулоса бериш учун имконияти йўқ. Шу боис келгусида марказимиз қошида махсус лаборатория ташкил этиш лозим. Умуман олганда итлар билан ишлашда уларнинг хулқ-атворини эътиборга олиш, жониворларни яхши кўриш керак. Ит сизни ўзининг дўсти, онасидек яқин жон деб билсагина мақсадга эришасиз. 65 кишидан иборат жамоамиздаги ҳар бир мутахассиснинг фаолиятига, гап-сўзига эътибор беринг, улар ўз касбининг фидойиси эканлигини сезасиз. Давлат чегарасида, вокзалларда, аэропортда хизмат вазифасини бажараётган дўстларимиз ҳам ана шундай, самимий инсонлар. Шу боис барча ҳамкасбларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик тилаган ҳолда, уларни Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклайман. Меҳнатингиз кадр топаверсин, азиз дўстлар.

Сирождин Алиқулов



УДК. 619:616.981.42

М.Рузимуродов, *ст.н.с., к.в.н.*,У.Саттаров, *к.в.н.*,Б.Куватов, *мл.н.с.*,А.Улугмурадов, *докторант*,*Научно-исследовательский институт ветеринарии
Республика Узбекистан*

ЦВЕТНОЙ БРУЦЕЛЛЁЗНЫЙ АНТИГЕН ДЛЯ КОЛЬЦЕВОЙ РЕАКЦИИ С МОЛОКОМ

Annotatsiya

Materiallarda sut bilan halqa reaksiyasi uchun antigen ishlab chiqarish usuli va uning O'zbekiston Respublikasi xalq xo'jaligida qo'llanilishi keltirilgan.

Ключевые слова: бруцеллез, диагностика, штамм, антиген, кольцевая реакция с молоком, контроль.

Введение. Разработка и обеспечение ветеринарной службы республики отечественными диагностикумами является важной составной частью системы противоэпизоотических мероприятий, в том числе и противобруцеллёзных.

В настоящее время во всём мире для диагностики бруцеллёза животных применяют комплекс диагностических методов включающих в себя Розбенгал пробу (РБП), реакцию агглютинации (РА), реакцию связывания комплемента (РСК), кольцевую реакцию с молоком (КР), иммуноферментный анализ (ИФА), а также полимеразно-цепную реакцию (ПЦР). Все эти перечисленные методов диагностики входят в перечень одобренных и рекомендованных Международным Эпизоотическим Бюро (МЭБ) тестов.

Основным при надзоре за бруцеллёзом является система и политика качества лабораторий, которые основываются на стандартах Международного Эпизоотического Бюро (МЭБ) и людских ресурсах. От действия диагностических лабораторий, своевременной и полной диагностики, анализа полученных результатов, зависят достоверность получаемой информации об эпизоотической ситуации по бруцеллёзу животных в стране и обеспечения надлежащего исполнения национальных дерективных документов по борьбе с данным заболеванием.

В настоящее время в лаборатории бруцеллёза НИИВ для производства отечественных диагностических средств против бруцеллёза проводятся научные исследования, направленные на разработку эталонов производственных и референтных штаммов бруцелл из которых изготавливаются опытные микросерии антигенов и изучаются их активность и специфичность с сыворотками крови животных различных эпизоотических групп. Так, в настоящее время уже разработаны производственные регламенты стандарты предприятия на Единый бруцеллёзный антиген для РА, РСК, РДСК и РБП, которые производятся для нужд диагностических центров ветеринарной службы Республики. Эти противобруцеллёзные

Annotation

The materials describe the method of antigen production for the ring reaction with milk and its application in the national economy of the Republic of Uzbekistan.

антигены готовятся из отечественного штамма *Bt. abortus 104MUZ*, которые стандартизируются по национальной сыворотке антибруцелла абортус.

В настоящее время сотрудниками лаборатории бруцеллёза НИИВ полностью завершены исследования по разработке антигена для кольцевой реакции с молоком.

Кольцевую реакцию (КР) с молоком применяют с целью определения благополучия стад (ферм) по бруцеллезу крупного рогатого скота и для проверки молока при продаже его на рынках. Исследование молока на бруцеллез в КР разрешается проводить в лабораториях или непосредственно в хозяйствах только ветеринарным врачам ветеринарных лабораторий, а также лабораториям ветеринарно-санитарной экспертизы, прошедшим специальную подготовку по постановке и учету данной реакции [1]. Ежегодная потребность РУЗ в цветном бруцеллезном антигене для кольцевой реакции с молоком находится в пределах 900-950л при расходе 0,1 мл на 1 пробу молока коров для однократного исследования. Аналог завозится из-зарубежа, и он не дешевый. Производство отечественного антигена для проверки молока позволит решить проблему заболевания людей бруцеллёзом в Узбекистане и повысить эффективность противобруцеллёзных мероприятий в Республике.

Известен антиген ДЗ, приготовленный из штамма *Brucella abortus 1913/100*, предназначенного для изготовления препаратов для диагностики бруцеллеза [2]. Недостатком указанного антигена являются: 1. Антиген предназначен для количественного определения титров антител в сыворотке крови вакцинированных или зараженных животных в пробирочной реакции агглютинации; 2. Антиген является дорогим, т.к. импортный.

Известен цветной бруцеллёзный антиген-Д4, приготовленный из штамма *Brucella abortus 104-M*, инактивированной 0,5%-ным раствором фенола в буферном растворе (рН 3,7-3,75) при 85-90°C, и красителя. При этом предложенный цветной антиген из вакцинного бруцеллёзного штамма содержит штамм

Brucellaabortus 104-M с концентрацией бактериальной массы в гомогенной смеси 8,0-8,5 % от объема взвеси, а в качестве красителя -1% -ный раствор сафранина[3]. (Патент № UZIAP 03422). Недостатками антигена являются: 1. Он не предназначен для контроля молока на бруцеллез в кольцевой реакции. 2. Сложность приготовления антигена. 3. Длительность приготовления антигена.

Известен антиген для кольцевой реакции с молоком-Д1, представляющий собой взвесь инактивированных нагреванием бруцелл в 1%-ном фенолизированном физиологическом растворе, окрашенных гематоксилином в синий цвет. Препарат применяют с целью проверки благополучных по бруцеллезу молочных стад и контроля молока на рынках.

Антиген готовят из слабовирулентного штамма *Brucellaabortus* 19. Для посева используют взвесь 2-суточной агаровой культуры в стерильном физиологическом растворе с необходимой концентрацией бруцелл. Инактивируют нагреванием при T=80°C в течение 60 мин. Прогретую суспензию стабилизируют при T=2-4°C в течение 10 дней. Бактерийную взвесь окрашивают гематоксилином, взятым в оттитрованной дозе, прогревают на водяной бане при 40°C 10-15 мин и сепарируют на бактериальном сепараторе. Окрашенную массу суспендируют на шуттель - аппарате в 1%-ном фенолизированном физиологическом растворе, доводят этим 1%-ным раствором объем бактериальной взвеси до первоначального, прогревают в водяной бане при T=80°C в течение 1 ч, расфасовывают по 20 мл во флаконы вместимостью 20 мл. При контроле антигена все пробы молока должны дать четкий отрицательный результат, при добавлении же позитивной бруцеллезной сыворотки в слое сливок должно появиться отчетливое синее кольцо[4]. Недостатками антигена являются: 1. Антиген при диагностике в наших экологических условиях может дать реакцию с 1 крестом - сомнительную реакцию; 2. Антиген имеет высокую стоимость, вследствие трудоемкости, многоступенчатости приготовления; 3. Сложность приготовления многокомпонентного красителя. 4. Длительность приготовления антигена. 5. Отсутствие признака маркера.

Целью работы является повышение качества антигена, снижение его себестоимости, сокращение времени приготовления и наличие признака маркера (не продуцирует H₂S).

Методика работы. Сущность заключается в том, что, цветной бруцеллезный антиген для кольцевой реакции с молоком, состоит из инактивированной фено-

лом суспензии штамма *Brucellaabortus* 104-M- вариант UZ, биотип – 6, селекционированного в местных экологических условиях НИИВ и окрашенной красителем – 2%-ным раствором гематоксилина в синий цвет. Механизм действия заключается в выявлении антител в молоке на ранних стадиях возникновения болезни. При учёте результатов реакции визуально через 30 мин. выявляется в пробе молока четко выраженное синее кольцо - +++ (3 креста) при положительной диагностике бруцеллеза, повышается качество реакции. При отрицательной (минус) - столбик молока остаётся равномерно окрашенным в первоначальный синий цвет, который был получен сразу после смешивания с антигеном, а слой сливок остаётся белого цвета.

Полученные результаты.

Опыты проводили в условиях лаборатории бруцеллеза НИИ в 2015-2019 гг. в Центрах диагностики Республики Каракалпакстан, Андижанской, Наманганской, Ферганской, Ташкентской, Кашкадарьинской, Самаркандской областей. Для изготовления цветного бруцеллезного антигена для кольцевой реакции с молоком брали селекционированный в Узбекистане штамм *Brucellaabortus* 104-M - вариант UZ, биотип – 6 на МППГГА. Штамм по биологическим свойствам слабовирулентный, высокоагглютиноген с хорошими агглютинабельными свойствами, имеет отличительный признак маркера (не продуцирует сероводород), что значительно облегчает работу и сокращает время при контроле штамма. Культуру штамма *Brucellaabortus* 104-MUZ, культивировали на твердой питательной среде МППГГА. Для посева использовали взвесь 2-суточной агаровой культуры, взятой с 5 пробирок, смытых стерильным физиологическим раствором с концентрацией бактериальной массы (бруцелл) равной 200 млрд. микробных клеток /1 см³ по оптическому стандарту мутности. Посевной культурой в матровых колбах (объемом 1,5л) производили орошение (увлажнение) поверхности питательной среды, после чего засеянные колбы помещали в термостат при T=37°C на двое суток. После окончания выращивания колбы с чистым ростом культуры отбирали для смыва. Культуру смывали стерильным 0,5%-ным фенолизированным физ. раствором с pH 7,2 из расчета 30 мл на одну колбу. Полученную культуру инактивировали нагреванием в течение 30 мин при T=70°C в 0,5%-ном фенолизированном физ. растворе. Прогретую суспензию стабилизировали в холодильнике при T=+4°C в течение 7 дней. Одновременно ее проверяли на чистоту и стерильность, путем посева на МППА и МППБ. За посевами наблюдали в течение

Таблица 1.

Характеристика	Кол-во проб	Прототип–по методике ВИЭВ			Предлагаемый цветной антиген		
		Полож.	Сомн.	Отр.	Полож.	Сомн.	Отр.
Молоко от экспериментально зараженных бруцеллезом коров (от одного удоя)	30	30	-	-	30	-	-

Таблица 2.

№	Показатели	Цветной антиген по патенту № UZIAP 03422	Прототип – по методике ВИЭВ	Предлагаемый цветной антиген
1.	Производственные штаммы	Штамм <i>Brucella abortus</i> 104-M	Штамм <i>Brucella abortus</i> 19	Штамм <i>Br. abortus</i> 104-M – вар. UZ, биотип 6
2.	Специфичность и активность, %	100	100	100
3.	Качество	Высокое	Высокое	Высокое
4.	Стоимость, сум за 1 литр	2 млн. сум за литр.	3 млн. сум за литр.	1,5 млн. сум за литр.
5.	Инактивация	При 80 °С-60 минут в 0,5% -ном фенолизир. физрастворе	При 85°С -60 минут в 1%-ным фенолизир. физрастворе	При 70°С -30 минут в 0,5%-ном фенолизир. физрастворе
6.	Время культивирования	72 час	72 час	Сокращается с 72 час. до 48 ч.

7 дней. После установления отсутствия посторонней микрофлоры проводили центрифугирование. Густую бактериальную суспензию концентрировали центрифугированием при 4000 об/мин. в течение 15 минут, разводили стерильной дистиллированной водой до концентрации бруцелл 200 млрд /см³ и окрашивали 2% -ным раствором гематоксилина в дозе 0,05 мл (примерно 1 капля) на 1 мл суспензии. Окрашенный антиген прогревали в водяной бане при 40°С 8 минут. Осадок дополнительно ресуспендировали 0,5%-ный фенолизированным физиологическим раствором до первоначального объема. Для приготовления 10 л антигена брали 1 л окрашенного антигена, который разбавляли 9 литрами 0,5%-ного фенолизированного физиологического раствора до получения концентрации бруцелл в суспензии равной 40-45 млрд. клеток/см³. По внешнему виду антиген представляет собой суспензию синего цвета.

Антиген разливали в 10, 20, 50 мл стеклянные флаконы с плотно прилегающими резиновыми пробками, обкатывали металлическими колпачками и просматривали в проходящем свете. Антиген хранили в закрытом помещении, не ниже 4°С и не выше 10°С. При хранении в указанных условиях срок годности препарата составляет 2 года.

Приготовленный антиген проверяли на стерильность, специфичность и активность. При контроле антигена все пробы молока давали четкий отрицательный результат, при добавлении же позитивной бруцеллезной сыворотки в слое сливок появлялось отчетливое синее кольцо. Все пробы молока, давшие кольцевую реакцию с оценкой 3 и 2 креста, считали положительными, 1 крест - сомнительными. При получении отрицательных результатов КР по всему стаду его считают благополучным по бруцеллезу.

Активность антигена не должна быть ниже активности контрольной серии антигена. Срок годности антигена 2 года со дня приготовления при условии хранения его при температуре не выше 15°С. Активность приведена в таблице 1.

Активность предлагаемого цветного бруцеллезного антигена для кольцевой реакции для диагностики бруцеллеза животных и прототипа.

Результаты, приведенные в таблице 1 показывают, что активность предлагаемого антигена на всех 30 пробах молока от коров, экспериментально зараженных бруцеллезом, проявилась как положительные. Сравнительный анализ приведен в таблице 2.

Сравнительный анализ прототипа, аналога и предлагаемого цветного бруцеллезного антигена для кольцевой реакции с молоком

Как видно из таблицы 2, предлагаемый антиген является качественным, активным, экономичным (сокращается время для его приготовления).

Для исследования брали 978 проб молока от здоровых коров, не больных маститом свободными от других болезней из разных хозяйств РУз, благополучных по бруцеллезу. Результаты показали, что цветной антиген может быть применен в ветеринарной практике в качестве дополнительного способа выявления заражения бруцеллезом молочных стад и наблюдения за благополучными по бруцеллезу стадами. Получен ПАТЕНТ РУз № IAP 06495 от 07.05.2021г.

Выводы: 1. Антиген является высоко качественным, имеет низкую себестоимость, за счет использования местных компонентов при производстве, сокращается время приготовления диагностикума за счет сокращения операций.

2. Предлагаемый диагностикум является менее безопасным для обслуживающего персонала, за счет низкой вирулентности производственного штамма *Br. abortus* 104-M – вар. UZ, биотип 6 и снижения контакта с бруцеллезной культурой. Антиген является стерильным, чистым, активным и специфичным.

Использованная литература:

1. Рузимуродов М.А. Новые инфекционные подходы в борьбе с бруцеллезом, ж. Ветеринария и биотехника, 2018, № 2, с. 14-15.
2. Патент RU № 2149183.
3. Патент № UZIAP 03422.
4. «Ветеринарные препараты», справочник под ред. Д.Ф. Осидзе, с. 183-185.
5. ПАТЕНТ РУз № IAP 06495 от 07.05.2021г.

**SIGIRLARDA HOMILA YO‘LDOSHI USHLANIB QOLISHINING SABABLARI
VA DAVOLASHNING ZAMONAVIY USULLARI****Аннотация**

В статье приведены данные, что основным этиологическим факторам задержания последа у коров является несбалансированность рациона, необеспечение потребности организма по питательным и энергетическим веществам в последние месяцы беременности, а также гиподинамия. Консервативный метод отделения задержавшего последа является эффективным по сравнению ручным методом отделения в результате отмечается уменьшения осложнений болезней половых органов.

Annotation

The article presents data that the main etiological factors of retaining the placenta in cows are an imbalance in the diet, failure to meet the body's needs for nutrients and energy substances in the last months of pregnancy, as well as physical inactivity. The conservative method of separating the retained placenta is effective in comparison with the manual method of separation, as a result of which there is a decrease in complications of diseases of the genital organs.

Kalit so‘zlar: karunkula, xorion parda, abort, mahsuldor hayvonlar, endometrit, homila gipotrofiyasi va gipoksiyasi, antibiotik, sulfanilamidlar, amnisiron.

Mavzuning dolzarbligi. Prezidentimizning qator farmonlari va qarorlari asosida respublikamizda chorvachilikni jadal rivojlantirish, chorvachilik mahsulotlari yetishtirishni ko‘paytirish va sifatini yaxshilashga erishish maqsadida chetdan yuqori mahsuldor hayvonlarni keltirilishiga katta e‘tibor berilmoqda. Mahsuldor sigirlarda akusher-ginekologik kasalliklar ko‘p qayd etilib, bu kasalliklar orasida homila yo‘ldoshi ushlanib qolishi kasalligi salmoqli o‘rinni egallaydi.

Adabiyot ma‘lumotlarini tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, hozirgi kungacha respublikamiz qoramolchilik fermer xo‘jaliklari sharoitida sigirlarda homila yo‘ldoshining ushlanib qolishi va uning oqibatida kelib chiqadigan asoratlar, kasallikning sabablari to‘liq o‘rganilmagan, davolash va oldini olishning samarali usullari ishlab chiqilmagan. Bu o‘z navbatida kasallikni davolash va oldini olishning samarali usullarini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish dolzarb muammolardan ekanligini izohlaydi.

Sigirlarda homila yo‘ldoshining ushlanib qolishi deganda tuqqandan keyingi 24 soat ichida ajralmasligi tushiniladi. Yo‘ldoshning o‘z vaqtida ajralmasligiga bachadonni yetarli darajada qisqarmasligi (bunday hol egizak homilada, ayniqsa sigirlarda), homila pardalari orasiga haddan tashqari ko‘p suyuqliklar to‘planishi, homilani juda katta bo‘lishi tufayli bachadonning cho‘zilib ketishi sabab bo‘ladi. Shuningdek, kучanish

va to‘lg‘oq kuchsiz bo‘lganida ham yo‘ldosh ajralmay qoladi. Yo‘ldoshning ajralmay qolishi hayvonlarni yetarlicha oziqlantirmaslik, yoki aksincha, hayvonlar juda semirib ketganida ham kuzatiladi. Bundan tashqari, oziqa ratsionida vitamin va mineral tuzlar yetishmasligi ham yo‘ldoshning o‘z vaqtida ajralmasligiga sabab bo‘ladi [4].

Yo‘ldosh ushlanib qolishiga bug‘oz hayvonlarda vitaminlar yetishmasligi, ketoz kasalligi, mineral moddalar balansining buzulishi, oshqozon-ichak, yurak-qon tomir kasalliklari, shuningdek, sigirlarda ko‘p bolalik natijasida ham kelib chiqadi [1].

B.M.Eshburiyev ma‘lumotiga (2018) ko‘ra, ko‘pincha yangi tuqqan sigirlarga tuqqandan keyin suv berish chegaralanmaganda bachadonning shilliq pardasi shishadi, natijada so‘rg‘ichlar karunkulalarda tutilib qoladi va kучanish to‘lg‘oq zo‘rayganda ham ajralmaydi. Yo‘ldosh yallig‘langanda ham xorion parda so‘rg‘ichlari shishib, ularning bachadon shilliq pardasiga yopishib qolishiga sabab bo‘ladi [4].

Ratsionda temir elementining yetishmasligi anemiya, gipovitaminozlar, homiladorlik toksikozining og‘ir kechishi, bola tashlash, homila vaznining kam bo‘lishi, ya‘ni homilaning gipotrofiyasi va gipoksiyasi, yo‘ldoshning ushlanib qolishi, tug‘ruq davrining asoratli kechishi va gipolaktiyaga sabab bo‘lishi keltirilib o‘tilgan [5].



1-rasm. Sigirda homila yo‘ldoshining qisman ushlanib qolishi

Hayvonlar uchun masion yetarli bo‘lmaganda bachadon bo‘shashib qoladi (atoniya) va bu holat yo‘ldoshni ushlanib qolishiga olib keladi. Yo‘ldosh ajralmasligiga hayvonning bo‘g‘ozlik davrida bachadonida paydo bo‘ladigan yallig‘lanish jarayonlari ham sabab bo‘lishi mumkin. Bunda shilliq parda shishadi, natijada so‘rg‘ichlar korunkulalarda tutilib qolib, kuchanish va to‘lg‘oq zo‘rayganda ham ular ajralmaydi. Yo‘ldosh yallig‘langanda ham xorion parda so‘rg‘ichlari shishib qoladi, bu esa ularning bachadon shilliq pardasiga mahkamroq yopishib qolishiga sabab bo‘ladi.

Ba‘zan bachadon bo‘ynining vaqtidan oldin yopilib qolishi yoki bo‘g‘ozlik rivojlanmagan bachadon shoxi haddan tashqari kuchli qisqarganda, homila pardalarining shu shoxda qisilib qolishi tufayli ham yo‘ldosh ajralmay qoladi [4].

Sigirlarda homila yo‘ldoshining ushlanib qolishi asorati sifatida ko‘pincha endometrit, vaginit, tug‘ruqdan keyingi infeksiya va mastit rivojlanadi [2].

N.A.Flegmatov yo‘ldosh ajralmay qolganda miotonik ta‘sir etuvchi (bachadon muskullarini qisqartiruvchi) homila oldi suyuqligidan foydalanishni tavsiya etadi. Buning uchun amnion pardasi yorilib, homila bachadondan chiqarilayotgan vaqtda homila oldi suvlari toza idishlarga olinadi va +3°C haroratda saqlanib, ko‘pi bilan 2-3 kun davomida ishlatiladi. Bu suyuqlik sigirlarga yo‘ldoshni ushlanib qolishida 3 litrdan 5-6 soat oralatib, 3-4 marta berilishi mumkin [4].

A.I.Yatusevich va boshqalar (2015) homila yo‘ldoshini konservativ usulda ajratib olishda bachadon bo‘shlig‘iga homila yo‘ldoshini chirishiga qarshi

metromaks, ekzuter (2 dona), geomisin F, biometrosanit va boshqa antibakterial vositalarni yuborishni, bachadon shilliq pardasi bilan homila yo‘ldoshi orasidagi aloqani buzish maqsadida xlorid kislotasi bilan pepsinni (20 g pepsin, 15 ml xlorid kislotasi, 300 ml distillangan suv) yuborishni tavsiya etadi. Vena qon tomiriga kuniga ikki marta 200-300 ml 20 % li glyukoza eritmasi va 100-150 ml 10 %-li kalsiy xlorid eritmasidan yuborish, aorta qon tomiriga 100 ml 1 % li novokain eritmasi va shu vaqtda bachadonga 30% li tibbiyot ixtiolidan 500 ml yuborish samaradorligi yuqori ekanligini ta‘kidlashadi [3].

Tadqiqotning maqsadi. Sigirlarda homila yo‘ldoshi ushlanib qolishining sabablari va patogenezini or‘ganish, davolash va oldini olish usullarini takomillashtirish.

Tadqiqotning obyekti va usullari. Tadqiqotlarimiz Toshkent viloyati Yuqori Chirchiq tumanida joylashgan “Farodis xirmoni” fermer xo‘jaligida olib borildi. Yangi tuqqan sigirlarda ginekologik dispenserlash o‘tkazilib, ularni saqlash sharoitlari va oziqlantirilishi tahlil qilindi. Homila yo‘ldoshi ushlanib qolishi bilan kasallangan sigirlarda davolash usullarini takomillashtirish maqsadida tajribalar o‘tkazilib, 3 bosh sigirda homila yo‘ldoshi konservativ usulda, 3 bosh sigirda an‘anaviy usulda qo‘lda ajratildi. Davolash usullarining samaradorligini aniqlashda kasallik asoratlari kuzatilishi e‘tiborga olindi.

Olingan natijalar va ularning tahlili. Ushlanib qolgan homila yo‘ldoshini ajratib olishning eng samarali usuli konservativ, ya‘ni turli preparat vositalarni qo‘llash bilan homila yo‘ldoshini ajralishini taminlash hisoblanadi. Bunda jinsiy yo‘llarga qo‘l umuman kiritilmaydi. Shu bilan jinsiy yo‘llar stirelligi saqlanib qolinadi va bachadonga turli patogen mikrofloralarning tushishi bilan kechadigan kasalliklarning (endometritlar, mastit va b.) oldi olinadi.

Tadqiqot va tajribalarimizga asoslanib, homila yo‘ldoshini ajratib olishning quyidagi konservativ usulini tavsiya etamiz:

- yo‘ldoshning osilib turgan qismi 5 sm uzunlikda qirqiladi, qin dahlizi, tashqi jinsiy a‘zolar, hayvonning dumi dezinfeksiyalovchi eritma-furatsilinni 1:5000 eritmasi bilan har kuni 2-3 marta yuviladi. Bunda eritmalarni chuqur ketishiga yo‘l qo‘yilmasligi kerak;
- mikroorganizmlarga qarshi “Cefur” antibiotigi 1ml/50kg muskul orasiga 5 kun davomida qo‘llaniladi;
- bachadon muskullari tonusini oshiruvchi modda sifatida “Uteroton” 10 ml muskul orasiga yuboriladi;
- homila yo‘ldoshining tashqariga chiqib turgan qismidan ushlanib, sekinlik bilan tortilib, ajratib olinadi.

Bu paytda yo‘ldoshni uzilib ketishiga yo‘l qo‘yilmashligi kerak va yana 6-8 soatga qoldirish ham mumkin.

Shundan keyin ham qo‘l bilan ohista tortganda ajralmaganda homila yo‘ldoshini quyidagi tartibda ajratish lozim: kasal hayvon jinsiy lablari, dumining asosi, chot qismi sovunlab, issiq suv bilan toza yuviladi, keyin dezinfeksiyalovchi eritmalar (2%-li lizol yoki 0,1% li kaliy permanganat eritmasi) bilan yuviladi. Ishlashga xalaqit bermasligi uchun hayvonning dumi bint bilan o‘ralib, yon tomoniga tortilib bo‘yniga bog‘lanadi.

Jinsiy yo‘llardan osilib chiqqan homila pardalari qo‘l bilan buralib, sekinlik bilan tortiladi. Ikkinchi qo‘l bachadonga yo‘ldosh bo‘yab yuborilib, birinchi karunkula topiladi, uning bo‘yin qismidan ko‘rsatkich va o‘rta barmoqlar bilan ushlanib, katta barmoq yordamida karunkulalardan tomirli parda so‘rg‘ichlari ajratiladi. Keyin navbatdagi karunkula topilib, bu muolaja qaytariladi, shu tartibda yo‘ldosh bachadon shoxlaridan ajratiladi. Yo‘ldosh ajratilgandan keyin karunkulalar yuzasi g‘adir-budur (ajratilmasdan oldin silliq) bo‘ladi.

Bachadonga har safar qo‘lni tiqishda yangi qo‘lqop kiyiladi, faqat steril holdagi eritmalaridan foydalaniladi. Bachadonga antiseptik vositalar yuboriladi. Shunday qilinganda bapchadon bo‘shlig‘iga infeksiya tushishining oldi olinadi.

Xulosalar: 1. Sigirlarda homila yo‘ldoshining ushlanib qolishiga bo‘g‘ozligining oxirgi oylarida sigirlar organizmining energetik va to‘yimli moddalarga bo‘lgan ehtiyojlarini to‘liq qondirilmashligi, ratsionda qand-oqsil va kalsiy-fosfor nisbatlarining pastligi, sigirlarni yil davomida bir joyda saqlanishi, motsion yetishmasligi asosiy etiologik omil hisoblanadi. Yuqorida

keltirilgan sabablar bartaraf etilsa, sigirlarning homila yo‘ldoshining ushlanib qolishi oqibatida yuzaga keladigan patalogik jarayonning oldi olinadi.

2. Tadqiqot va tajribalarimizga asoslanib, ushlanib qolgan homila yo‘ldoshini ajratib olishda konservativ davolash usuli hozirgi zamonaviy usullarning ichida eng samaradorligi bilan ajralib turadi. Mikroorganizmlarga qarshi “Cefur” antibiotigi va bachadon muskullari tonusini oshiruvchi “Uteroton” preparatlarni birgalikda qo‘llab ishlatilsa, konservativ davolash usulining samaradorligi yuqori bo‘ladi, asoratlari sifatida jinsiy a‘zolarining kasalliklari qayg etilmadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Бушманова О.В. Пронина О.А. Лечение и профилактика задержания последа у коров. Вологда – Молочное скотоводство. 2009.

2. Никитина В.Я. Миролубова М.Г. Ветеринарная акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. Москва. 2005.

3. Теоретическое и практическое обеспечение высокой продуктивности коров. Часть 2. Профилактика болезней молодняка крупного рогатого скота и коров. Практическое пособие / А. И. Ятусевич [и др.]; под общ. ред. А. И. Ятусевича. - Витебск : ВГАВМ, 2015. - 532 с.

4. Eshburiyev B.M. Veterinariya akusherligi. Darslik. Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2018.

5. Eshburiyev S.B. Hayvonlar organizmida vitamin va minerallarning biologik ahamiyati. Zooveterinariya jurnali, 7-son, 2016.

ХОТИРА

ЯХШИ ИНСОН ЭДИ



Кўп йиллар ветеринария соҳасида меҳнат қилган Наталья Фадеевна Альперт 2021 йил 29 июль куни 66 ёшида оғир касалликдан вафот этди.

Наталья Фадеевна 1955 йил Қозон шаҳрида туғилган. 1978 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетини тамомлаган.

1978-1983 йилларда паррандачилик хўжаликларида фаолият юритган. 1983-1990 йилларда Чилонзор ва Яккасарой туманлари ҳайвонлар касалликларига қарши курашиш станцияларида ветврач, 1990 йилдан 2017 йилгача Яккасарой туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган. 2017 йилдан 2019 йилгача - нафақага чиққунча Тошкент шаҳар ветеринария бошқармасида фаолият юритган.

Альперт Наталья Фадеевна қайси лавозимда бўлганидан қатъий назар ўзининг меҳнати, одамийлиги, меҳрибон раҳбар ва устозлигини кўрсатган.

Альперт Наталья Фадеевна Тошкент шаҳридаги барча ветеринарларнинг хотирасида абадий сақланиб қолади.

Таҳририят


УДК: 615.35.37.014.43:619

Ализаде Алибала Мамедсадиқ ўғли, *т.ф.д.*,
 “AGRIBIOEKOТЕХ” LLC фирмаси президенти, Озарбайжон,
 Д.Юлдашев, *қ.х.ф.н.*, Чорвачилик ва паррандачилик ИТИ,
 бўлим бошлиғи

ОЗАРБАЙЖОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИ, ПАРРАНДАЧИЛИГИДА “БАКТОВИТ-Ж2 ВА БАКТОВИТ” ПРОБИОТИГИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Табиатда микроорганизмларнинг айримлари турли жонзотлар билан биргаликда улар организмда яшаб уларга фойда кўрсатса, баъзи бирлари, яъни патоген турлари жонзотларнинг турли тўқималарига зарар етказиши мумкин. Зарарли юқумли микроорганизмлар эса турли касалликларни келтириб чиқаради.

Табиатда симбиотик микроорганизмларнинг ўз эгаси билан муносабати турлича бўлиб, бу муносабат аввало, чорва моллари ёки паррандаларнинг кунлик рационига, берилаётган озуқаларга, уларда микроорганизмлар миқдорларига боғлиқ. Рационларда берилаётган ўсимлик озуқалари ошқозон-ичак тизимидаги микроорганизмлар ўсиши ва ривожланиши учун муҳим ва яхши ўсишини таъминлайдиган субстракт бўлади. Шу сабабли тўйимли моддалар алмашинувининг бу қисмида тана эгаси бўлган чорва моллари ва паррандалар ҳамда ундаги микроорганизмлар орасида конкурентлик ҳолатлари кузатилади. Аммо, бу ҳолат чорва моллари ва паррандалар учун хавфли эмас. Чунки улар микроорганизмлар ўсиши ва ривожини ўзининг таналарида ишлаб чиқараётган ош тузи кислотаси миқдори, ошқозон ичак тизимида рНнинг маълум бир ҳолатни сақлаши, моддалар алмашинуви маҳсулотлар ҳазмланишининг организмда тезлиги билан бошқариб туради. Рацион озуқаларида чорва моллари ва паррандалар организмларига сўрилиши ва ҳазмланиши қийин бўлган катта миқдордаги клетчатка моддаси тушади. Бу клетчатка моддаси организмларда микроорганизмлар ёрдамида ҳазмланиши осон бўлган таркибий қисмларга бўлинади. Бу даврда микроорганизмларнинг ўзлари ҳам ўсади ва ривожланади, уларнинг ҳам таналарида эса катта миқдорда (60% атрофида) оксил (протеин) моддаси йиғилади. Тана эгаларининг ошқозон ичак тизимидаги турли кислоталар ва рН муҳити уларни ҳам сўрилиши ва ҳазмланиши учун хизмат қилади. Моддалар алмашинувининг



бу ҳолатида тана эгалари ва микроорганизмларнинг биргаликдаги ўзаро ҳамкорлигини кузатамиз. Ушбу турдаги ҳамкорлик айниқса кавш қайтарувчи йирик шохли қорамоллар ва кичик шохли молларда яққол кузатилади. Отлар ва қуёнларда эса микроорганизмларнинг фаолияти уларнинг йўғон ичакларида кузатилади. Ошқозон ичак тизимининг бу қисмида асосан – энтеробактериялар, энтерококклар, термофиллар, ацидофиллар, баъзан патогенли анаэроблар учрайди.

Ўтхўр чорва молларининг 1 гр ахлатида 3.5 млрд донагача турли микроорганизмлар учрайди. Ахлат қуруқ моддасининг 40 % гача бўлган қисмини микроорганизмларнинг оғирлиги ташкил этади.

Турли ўтхўр хайвонлар, шу жумладан чорва моллари ва паррандаларнинг ошқозон-ичак тизимида озуқаларнинг целлюлозалари, гемицеллюлозалари, пектинларини бузувчи микроорганизмлар мавжуд. Бу микроорганизмлар ушбу моддаларнинг ҳазмланишига катта ёрдам беради. Турли хайвонларда озуқаларнинг клетчаткасини бузувчи Bacteroides, Ruminococcus, B.succinogenes R. albus ва R. flavofaciens, Bacteroides и Eubacterium каби турлари учрайди. Уларнинг баъзилари шунингдек, эгаларининг ошқозонида озуқаларнинг оксилли қисмларини бузиб, кейинчалик ичакларда енгил ҳазмланиши ва сўрилишини таъминлайди. Кавш

қайтарувчи чорва молларининг катта ошқозонлари шунингдек, бошқа турдаги бактериялар ва содда микроорганизмларга бойдир. Катта ошқозоннинг 1 гр суяқлигида ўртача 10^9 - 10^{10} яъни миллиардлар миқдоридagi турли микроорганизмлар кузатилади.

Турли бактериялардан ташқари катта ошқозонда турли ачиткилар, актиномицетлар ва содда микроорганизмлар мавжуд. Катта ошқозоннинг 1 мл суяқлигида 3-4 миллионтагача инфузорийлар кузатилиши мумкин. Умуман олганда катта ошқозон суяқлигининг таркибидаги микроорганизмлар турлари ва миқдорлари озиклантириш турига кўра вақти-вақти билан ўзгариб туради.

Кўриб турганингиздек, чорва моллари ва паррандалар организмларида фойдали ва зарарли микроорганизмларнинг доимий бўлиши кузатилади. Чорва моллари ва паррандаларни боқишда уларнинг сонларини ва улушларини доимий назорат қилиш лозим. Шу сабабли экологик тоза ва хавфсиз, табиий воситаларни ҳайвонлар ва паррандалар маҳсулотларини олишда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда, моддалар алмашинувини нормаллаштириш ва яхшилашда, молхоналар ва паррандахоналарни дезинфекциялаш ва микроэкологиясини назорат қилишда пробиотикларни қўллаш катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сўнгги 30 йилда дунёнинг турли мамлакатларидан чорвачилик ва паррандачиликда ҳайвонлар ва паррандаларнинг организмиде яшовчи фойдали микроорганизмлардан олинган пробиотикларни қўллаш тўғрисида маълумотлар эълон қилинмоқда. Пробиотикларни қўллаш натижасида чорва моллари ва паррандалар организмларидаги патоген ва маълум вақтдаги патоген микроорганизмлар билан рақобатлашадиган фойдали микроорганизмлар миқдор сифатидан сунъий оширилишига эришилди. Пробиотиклар асосан микроорганизмларнинг турли анабиотик штаммларидан олиниб, уларнинг фойдали хусусиятлари шакллантирилиб, яхшилаб борилмоқда. Дастлаб таркибида 1 ёки 2 микроорганизм турлари бўлган пробиотиклар олинган бўлса, ҳозирги кунда таркибида микроорганизмларнинг 18-20 тагача фойдали турлари бор пробиотиклар ишлаб чиқаришга эришилди ва савдога чиқарилмоқда.

Пробиотикларнинг таъсир механизми. Чорва моллари ва паррандаларнинг ошқозон-ичак

тизимига тушганидан сўнг пробиотиклар таркибидаги микроорганизмларнинг споралари бузилиб, фойдали микроорганизмлар ўсиш ва ривожланишни бошлайди. Бу даврда уларнинг организмдаги сони ошиши билан улар патоген ва маълум вақтдаги патоген микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатиб, сон ва сифат жиҳатидан устунликка эришади. Бундан ташқари миқдори ва фаолияти ортиши билан уларнинг чорва моллари ва паррандалар организмиде моддалар алмашинувида ижобий таъсири, маҳсулдорлиги ошади. Чорва моллари ва паррандаларнинг салбий омилларга қарши курашувчи ўзига хос ва хос бўлмаган ички иммунитет кучлари ортиб боради.

Пробиотикларнинг ушбу даволовчи ва олдини олувчи, маҳсулдорлигини оширувчи таъсири ҳақида гап кетганда, уларнинг бири асосий, баъзилари эса иккинчи даражали деб таъкидлаш мумкин эмас. Чунки баъзи ҳолларда ошқозон-ичак йўналишининг турли хил ўткир ва сурункали касалликлари билан терапевтик таъсирга асосан бактерияларнинг антагонистик хусусиятлари, бошқаларида пробиотиклар томонидан ферментлар ишлаб чиқарилиши туфайли, учинчисида химоя реакцияларининг фаоллашиши туфайли эришилиши мумкин. Аммо, табиат қонунларига биноан ушбу жараёнларда бир вақтнинг ўзиде бир нечта омиллар иштирок этади.

“БАКТОВИТ-Ж2” ва “Бактовит” туридаги пробиотиклар билан тажрибалар турли йиллари Озарбайжон, Туркия, Саудия Арабистони, Ўзбекистоннинг турли чорвачилик ва паррандачилик мажмуалари ва қуёнчилик фермаларида ўтказилди. Уларнинг натижалари ушбу мамлакатлар ва Европа мамлакатлари, Россия, Қозоғистон ва Тожикистонда журналларида ва нуфузли конференцияларда эълон қилинди. “БАКТОВИТ-Ж2” пробиотици Озарбайжон, Туркия, Саудия Арабистони мамлакатларида кенг миқёсда қўлланилмоқда. Ўзбекистонда эса “Бактовит” пробиотици бўйича дастлабки илмий тадқиқотлар ўтказилди.

Турли адабиётлар ва мақола муаллифларининг чорва моллари ва ҳайвонларда ўтказган тажрибаларидан олган маълумотларига кўра пробиотиклар қуйидаги хусусиятларга эга:

– ошқозон-ичак тизимининг нормал фаолиятини бузмасдан ундаги кенг турдаги патоген ва маълум

вакtdаги патоген микроорганизмларнинг сонини камайтиради ва фаоллигини сустлаштиради;

– чорва моллари ва паррандаларнинг ички иммун кучларини яхшилаиди, бунда иммуноглобулар, лизоцим, интерферон, макрофаглар ва лимфоцидди тузилмаларнинг синтези ва кўрсаткичлар микдорлари ошади;

– озуқалар ва сув билан организмга тушаётган ферментлар ва витаминлар мажмуаларининг йўқолиши камаяди, уларнинг организмдаги синтези ортади;

– антибиотиклар қўллашлардан кейинги ошқозон-ичак йўналишидаги йўқотилган микроорганизмлар сонини пробиотиклар таркибидаги фойдали микроорганизмлар ҳисобига тез тиклайди;

– озуқалардаги оксиллар таркибидаги аминокислоталар, витаминлар ва минерал элементларнинг ҳазмланиши ва сўрилишини яхшилаиди;

– чорва моллари ва паррандаларнинг организмларида кенг турдаги патоген ва маълум вақтдаги патоген микроорганизмларга қарши табиий антигенлар ишлаб чиқиш кўпаяди;

– чорва моллари ва паррандалар танасининг ўзига хос бўлмаган қаршилигини оширади;

– чорва моллари ва паррандалар танасининг янгиланиш ва шаклланиш жараёнларини фаоллаштиради;

– моддалар алмашинувини мажмуавий яхшилаиди, ошқозон-ичак тизими фаолиятини яхшилаиди, маҳсулдорлиги оширади.

Турли мамлакатларда ўтказилган тажрибаларда “БАКТОВИТ-Ж2” ва “Бактовит” пробиотики қўшилган озуқаларда ферментланиш жараёнлари назорат гуруҳларига нисбатан анча тез бошланиши, ферментация даврида аминокислоталарнинг микдорлари 28% гача, чорва моллари ва паррандалар, куёнларнинг маҳсулдорлиги турларига қараб 12-30%гача ошиши, уларнинг ахлатларида озуқаларнинг тўйимли моддалари колдикларининг камайиши, подалардан чиқимлари 4.5-5.5%га камайиши аниқланди.

“БАКТОВИТ-Ж2” ва “Бактовит” пробиотики шунингдек:

– чорва моллари ва паррандалар таналарида патоген формали микроорганизмлар штаммларини ташкил қила олмаслиги ва ўрганиб қолишлиги

йўқлиги сабабли доимий қарамлик келтириб чиқармаслиги;

– кучли таъсирга эга микроорганизмларнинг оптимал улушлари ва нисбатлари;

– пробиотикларнинг ошқозон-ичак йўлида унинг моддалар алмашинуви ферментларига юқори даражада қаршилиқ кўрсатиши, бунинг натижасида йўқ бўлиб кетмасдан ошқозон орқали ўтишига, ўсиш (вегетатив) шаклга ўтгандан кейин ичакнинг зарур қисмларига етиб бориш имкониятига эғалиги ва у ерда фойдали таъсир кўрсатиши;

– организмга ноҳўя таъсири, турли дорилар билан бирга қўллашга қарши кўрсатмалари мавжуд эмаслиги;

– зооветеринария амалиётида қўлланилаётган турли бифидобактериялар ва лактобактерияларга (нормал ичак микрофлораси вакиллари) антагонист (душман) эмаслиги билан таснифланади.

Пробиотиклар яратишда организмда моддалар алмашинувини нормал ҳолатларда меъёрловчи, кенг миқёсли ферментлар ишлаб чиқарувчи, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширувчи микроорганизмларнинг штаммларини излаб топиш, унинг хавфсиз қўллаш йўллари ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунда пробиотикларнинг нархлари қиммат бўлиб турибди. Аммо олинган натижалар, қилинган сарф-харажатларни қоплаб, фойда келтириши кўплаб тажрибаларда исбот қилинди.

Бундан ташқари пробиотикларнинг янги йўналишларда – чорвачилик ва паррандачилик комплекслари ва фермаларини дезинфекция қилишда, улардаги ҳавони заҳарли аммиак газидан тозалашда, ахлатларини хавфсизлантириб, қишлоқ хўжалиги учун зарур биогимусни қисқа муддатда -1 ойда ишлаб чиқариш мумкинлиги хусусиятларини аниқлади. Озарбайжон, Туркия, Саудия Арабистонида “БАКТОВИТ-Ж2” пробиотики чорвачилик ва паррандачилик комплекслари, фермаларини дезинфекциялаш ва ҳавосини тозалашда кенг қўлланилмоқда. Бунда “БАКТОВИТ-Ж2” пробиотигинининг 1:100 нисбатдаги сув билан эритмаси ҳаводаги аммиакнинг микдорини 70-75%га камайтириб, ҳидини йўқотади.

Пробиотикнинг тайёр кўриниши сувли эритма бўлиб, у ташки омиллар таъсирига чидамли микроорганизмлар спораларига эгадир. Бундай эритмали микроорганизмлар ташки муҳитнинг 85-90 °C хароратига чидамли ва бошланғич эритмадаги споралар 85-90% ўз кучини йўқотмайди. Шу сабабли ундан уй ва хўжалик шароитларида, турли омихта емлар ва қўшимчалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Ишчи эритма тайёрлангандан сўнг 2 кунгача ўзининг бошланғич таъсир кучини йўқотмайди. Бундай эритманинг тавсия қилинган дозаларини 10 мартабагача ошириш ҳам захарли ва хавфли эмас.

Одатда “БАКТОВИТ-Ж2” пробиотики жўжалар учун сув билан берилганда 1:1000 нисбатда, дезинфекция учун ишлатишда ёки озуқалар билан беришда 1:100 нисбатда, қорамолларга ишлатишда эритманинг 50 мл 10 литр сув билан, озуқалар таркибда озуқалар беришдан олдин, биогумуслар тайёрлашда 1:100 нисбатда қўлланилади.

Хулоса шуки, чорва моллари ва паррандаларни озиклантиришда дезинфекциялаш, хавони тозалаш, биогумуслар олишда пробиотикларни қўллаш давримизнинг инновацион талаби бўлиб қолмоқда. Бу ишларни амалга ошириш учун етарлича миқдордаги Ўзбекистон биокимё саноати доирасида ишлаб чиқариш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Alizade A., Zamanov P., Zamanova A. and Isgenderov S. (2017) Dependence of the Yield of Alfalfa on Plant Density and Diet. American Journal of Plant Sciences 8
2. Alizade Alibala Mamedsadig Oglu, Zamanova Azada Pasha Gizi “The Effect of Heavy Metals Transport from Contaminated Soil to “Opuntia Vulgaris Mill” with the Use of Biologics” American Journal of BioScience 2018; 6(1): 1-5
3. А.М.Али-Заде «Применение пробиотиков в животноводстве.Баку 2018 г.
4. А.М.Али-Заде: «Сила микроорганизмов».Баку. “Заменяем химию биологией» китобида .2019 г
5. Юлдашев Д.К., Рахимов А. Т. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “БАКТОВИТ-Ж2” пробиотик препаратини жўжалар рационида қўллаш тажрибалар натижалари”. Самарканд, 2020 й.
6. Юлдашев Д. К., Рахимов А.Т. Кутлиева Г.Дж., Юсубахмедов А.А. «Влияния применения местного пробиотика “бактовит-ж2” на мясную продуктивность и показатели крови бройлеров в условиях Узбекистана», Душанбе, 2020 й. 103-109.
7. Д. К. Юлдашев.К. Хидиров. “Использование пробиотика «БАКТОВИТ-Ж2» в выращивании цыплят бройлеров и кроликов в условиях жаркого климата Узбекистана», Санкт Петербург, 2021.

МУБОРАК БЎЛСИН УСТОЗ!

Хурматли Худойназар Бекназарович!

Сизни Президентимиз фармонига кўра, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан тақдирланганлигингиз билан самимий муборакбод этамиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда Самарқанд ветеринария медицинаси институти нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз нуфузига эга бўлиб бораяпти. Институт томонидан тайёрланаётган ёш ва билимли мутахассислар республикамизда ветеринария ва чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Сизни ушбу юксак унвон билан яна бир бор муборакбод этиб, республикада чорвачилик ва ветеринария соҳаси учун етук ва малакали кадрлар етиштиришда олиб бораётган сермашаққат ишларингизга янгидан-янги зафарлар тилаймиз.



Тахририят

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ: МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

– Азиз ҳамкасблар, ўз тақдирини ветеринария ва чорвачилик тараққиёти билан боғлаган фидойи мутахассислар, барчангизни энг улуғ, энг азиз айём-Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан қутлайман. Меҳнатингиз доимо кадр топсин, соғ бўлинг, фарзандлар бахту камолини узоқ йиллар қувонч билан кўриб юриш бахти сизга, барчамизга насиб этсин. Хонадонимизга Аллоҳнинг ўзи барака берсин. Кейинги йилларда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида сўзлайдиган бўлсак, кишини ҳаяжон босади. Қайси бир ютуқларимизни айтмай. Янги бинолар қад ростламоқда, мутахассислар малакасини ошириш борасида ютуқлар талайгина. Муҳими, ветеринария тизимида ишлаш, одамлар хизматида бўлиш, чорвани даволаш-у кўпайтириш орқали камбағалликка барҳам бериш бугун шарафли юмушга айланмоқда. Масалан, айтиш чоғда вилоят ҳокими ва қўмитамиз раисининг молиявий қўмаги билан бошқарма биносини замонавий тарзда таъмирлашга киришдик. Келгусида бундай хайрли ишлар туманларда, ветучасткаларда давом этади. Янги асбоб-ускуналар, автомашиналар харид қилиш орқали хизмат кўрсатиш маданияти ва тезкорлигини янада оширишни кўзлаяпмиз. Буларнинг бари тинчлик туфайли, соҳада қўмита раиси раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мевасидир. Ўзгаришлар қўламини туманларда бўлган, ветврачлар билан суҳбатлашган кишилар яққол кўриши мумкин.



– Туманимиз ерлари кўшни Қирғизистон давлати билан чегарадош, бу бизга қўшимча масъулият юклаши тайин. Айтиш пайтда мутахассислар малакасини оширган ҳолда эмлаш ишларини 6 гуруҳга бирлашиб ташкил этаяпмиз. Бирор хонадон, бирор ҳайвон эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Ахир меҳнат қилган киши иш сифатини ҳам ўзи назоратга олиши лозим-да. Қолаверса, ветеринария соҳасидаги арзимаган хато ё эътиборсизлик эртага катта муаммоларни юзага чиқариши мумкин, – дейди Фарғона туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғининг ўринбосари Илҳомжон Аҳмадалиев.

Эътиборли жиҳати, ўринбосар билан суҳбатлашиб билдикки, унинг отаси ҳам ветеринария соҳасида ҳурмат топган кишилардан экан. Маъмуржон Аҳмадалиев Фарғона шаҳар ветеринария бўлимида бошлиқ бўлган, айтиш чоғда 60 ёшдан ошган бўлса-да йигитлардек бар-

дам, вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги марказида бошлиқ ўринбосари, ёшларга меҳрибон мураббий. Маъмуржон ака ўғлини ўзи севган касб – ветврачликка қизиқтира олганидан ва яна унинг катта бир туманда бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаётганидан хурсанд. Аслида ота учун фарзандлар камолини кўришдан ортиқ бахт борми? Биз ҳам ғайратли йигит Илҳомжон Аҳмадалиевга омад тиладик ва унинг тавсия билан Улуғбек Мамараҳимов бош бўлган “Юқори водил” ветеринария участкаси фаолияти билан танишдик. Бу ветучастка тумандаги 14 та ветучастканинг бири. Бу ҳудуддаги барча ишлар намунали йўлга қўйилган, бирор киши йўқки, Улуғбекнинг ишхонаси қаердалигини билмасин.

– Илгари ветврачни қишлоқда кўпчилик танимасди, амалдорлар эса менсимасди, “молдухтирми, фермага борсин”, – дерди. Чунки колхоз ва совхозлар замонида



– Бу дунёда кўнгил хотиржамлиги, мамлакат тинчлигидан улуғ неъмат йўқлигини кўшни Афғонистон мисолида кўряпмиз. Урушнинг бир куни, бир дақиқаси ҳам оғир, йўқотишларни айтмайсизми. Коронавирус пандемияси даврида қанчалик азият чекдик, ўзим таниган, билган ўнлаб одамлар вафот этди, минглаб кишилар даволаниб чиқди, шукрки давлат раҳбари малҳам топишимиз учун барча чораларни кўрмоқда. Кўшни давлатда-чи?.. Кечагина Қобулда бўлган портлашда юзлаб одамлар бир лаҳзада йўқ бўлди, хонадонлар ғам-ғуссага тўлмоқда. Ўша тун уйкум қочди, балолару офатлар чегарадан ўтмасин, афғон халқи ҳам рўшнолик кўрсин энди, дедим. Ахир тепангдан ўқ учиб ўтаверса, ҳозиргина кўрган қардошнинг бомба тагида қолса, ичган бир қултум сув татийдими, ишлашга қўл борадими...Ана шу азоблардан, уруш балосидан Яратганнинг ўзи асрасин, – дейди Сурхондарё ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алижон Менглиев. – Юртимизга кўз тегмасин, сизу бизни Аллоҳнинг ўзи асрасин. Шу дақиқада, азиз ҳамкасблар, барчангизни энг улуғ ва энг азиз айём Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклайман. Гулларга бурканган, жаннатмонанд юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!



асосий чорва аҳоли қўлида эмас, балки давлат фермаларида эди. Йирик чорвачилик фермаларида ишлаётган ветврачларнинг меҳнати кўринмасди ҳам. Бугун эса ахвол тубдан ўзгарган. Одамлар ўз ҳовлисида зотдор мол боқишга, эчки-улоқ, қўй-қўзи кўпайтиришга киришган. Шу боис зукко мутахассисга талаб катта, – дейди Улуғбек Мамараҳимов.

Илҳомжон бизни Аввал кишлоғида жойлашган “Нижонбой Мўминбой файзи” фермер хўжалигига бошлади. 141 бош зотдор қорамоллар парвариш қилинаётган фермада янги бузоқ туғилаётган экан. Хайрли бўлсин, чорвага барака, дедик. Иш бошқарувчи Баҳодиржон Парпиевнинг эътироф этишича, хўжаликка наслчилик мақоми берилган бўлса-да, туман ҳокими қўшимча ер ажратиб бермаяпти. Асосий муаммо озуқа тақчиллиги, емнинг қимматлигида.

Кўпчилик нега гўшт қиммат, сут маҳсулотлари тақчил, деб савол беради-ю озуқанинг қимматлигини унутиб қўяди. Зотдор сигир мисоли бир кичик завод, хом ашё миқдорию сифатига қараб маҳсулот беради. Касалликка чалинтирмаслик ҳам кўп жиҳатдан охурга нима солишингизга боғлиқ. Қолаверса, айтиб беришимиз керакки, минерал сув билан сут ўртасида унчалик фарқ қолмаяпти. Агар ҳокимлар чорвадор фермерларни озуқа етиштириш учун ер бермай қийнаса, ҳадемай гўшт икки-уч қара қимматлаб кетади. Ахир вазиятнинг ўзи шуни талаб этапти-да, – дейди Баҳодиржон Парпиев.

Ўзбекистон туманидаги “Оқмачит” кишлоғида ўз меҳнати билан кадр топаётган фидойи кишилар кўп. Яқинда таниқли ва танти тадбиркор, “Ўрмонобод” фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Отахонов Президентимиз Фармонида кўра, “Шухрат” медали билан тақдирланди. Кўрғироқ қилиб, самимий табрикладик, бу

эътироф бардавом бўлсин дея, дуо қилдик. Баракали гўша – “Оқмачит”да бўлган кун Отахонов сингари эл эътирофига сазовор бўлаётган инсон “Муслим Барака инвест” фермер хўжалиги фаолияти билан қизиқдик. Мазкур хўжалик бундан роппа-роса 9 йил илгари ташкил этилган. Ака-ука Тожиевлар бош бўлган жамоада 32 киши меҳнат қилмоқда. Фермада эса айтиб беришимиз керакки, минерал сув билан сут ўртасида унчалик фарқ қолмаяпти. Агар ҳокимлар чорвадор фермерларни озуқа етиштириш учун ер бермай қийнаса, ҳадемай гўшт икки-уч қара қимматлаб кетади. Ахир вазиятнинг ўзи шуни талаб этапти-да, – дейди Баҳодиржон Парпиев.

Жаҳонгир Тожиевнинг эътироф этишича, Низомжон Абдуллаев бош бўлган туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими жамоаси чорвадор фермерларга яқиндан кўмаклашаётгани ютуқлар гарови бўлмоқда. Чунки зотдор қорамоллар маҳсулдорлиги



юкори бўлса-да касалликка берилувчанлиги ҳам осон. Улар, айниқса, туёқ хасталиги ва қон билан боғлиқ касалликларга тез чалинади. Шу боис кўзи ўткир ветврачлар маслаҳатига кўра ишлашнинг фойдали жиҳати кўп.

– Куруқ мевани экспорт қилиш билан шуғулланишимиз ҳам чорва озукасини бойитишда бизга кўл келмоқда. Масалан, ўтган йил 180 минг АҚШ доллари миқдоридagi куруқ мевани чет элга жўнатдик. Саралаш жараёнида элақда қолган мева чиқиндиси, мош ва бошқа дуккакли экинларнинг пўчоғини қайта янчиб, молларга бердик. Шу тариқа озукка қуввати сезиларли даражада ошди. Умуман олганда, қайси соҳада бўлмасин кутилган натижага эришмоқ инсоннинг ўзига, ғайрату шижоатига боғлиқ, – дейди тадбиркор.

– Аввало барчани, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган барча тадбиркорлару жонкуяр кишиларни мустақиллик айёми билан табриклайман. Оиламиз бахтига, фарзандлару набиралар иқболга омон бўлайлик, яратиш, яшнатишдан асло чарчамайлик. Аслида меҳнат ортидан келган бойлик инсонни доимо қувонтиради. Айниқса, чорвачилиқда. Чунки бу соҳада ютуққа эришиш жуда мушкул. Зотдор қорамоллар боқиш эса янада қийин. Баъзан кутилмаган ҳолатда пай-



до бўлган касаллик, гоҳида озиклантиришдаги хатолик мулкдорни қийнаб қўяди. Ветврачлар билан маслаҳатлашасиз, муаммонинг илдинини излаб китоблару турли илмий нашрларни варақлайсиз. Охир-оқибат хато нимада эканлигини топасиз ҳам.

Шунда барча муаммолар калити илмда эканлигига амин бўласиз. Шу боис фарзандларимга ҳам, набираларимга ҳам ўқиш-ўрганиш кераклигини қайта ва қайта айтаман, – дейди “Дўстлик” ордени ва “Меҳр саховат” кўкрак нишони соҳиби, Ўзбекистон туманидаги “Сохибкор тоғай” фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Сагаторов. – Агар юртимиздаги ҳар бир киши ўз ишлаб чиқариш тармоғини яратса, давлат раҳбари айтганидек ўзини ўзи банд қилиб, даромад топишига киришса, дастурхонимиз янада тўкин бўлади. Том маънода ислоҳотлар амалга ошди дегани ҳам ана шунга боғлиқ.

Сардорбек Алиқулов

Ветеринария фидойилари

ЧЕГАРА ТИНЧМИ, КҮНГИЛ ТИНЧ



Муҳаммад ака Расулов ҳар гал ишга отланаркан, ҳарбий каби кийим-бошини дазмоллатиб олади, “Онаси чегарада тураман, чиройли кўринишим керак, бўлмаса бошлиғимиз уялтирадилар” дейди. Бундан ташқари, у йўл-йўлакай иш дафтари, кўша-қўша ручкасини ҳам, керакли ҳужжатларини ҳам чўнтагига солади. Эсдан чиқса ишга боргач қийналиб қолади-да. Унинг давлат чегараси ва транспортдаги ветеринария бошқармаси тизимида инспектор бўлиб ишлаётганига анча йил бўлди. Ўз ишига садоқатли бўлган Муҳаммад ака шу йиллар ора-

сида бошлиқлардан раҳмат ҳам дакки ҳам эшитди, аммо касбига ҳурмати заррача сусаймади. Бошлиқ уришди, деб чегарада турган маҳал бегона кишиларга хўмрайгани ҳам йўқ. Унинг эътироф этишича, давлат чегарасида ишлаётган киши хушмуомила бўлмоғи зарур.

– Қонун талабига кўра иш юритиш, чегарадан турли мақсадда ўтишни ният қилган кишига қисқа ва лўнда гапиринг, фуқаро қонун талабидан чиқаётган бўлса секингина тушунтиринг, ана шунда барча иш силлик кетади, дейди Муҳаммад ака. – Кейинги йилларда бошқарма бошлиғининг саъй-ҳаракати билан постимиздаги иш шароити буткул яхшиланди. Муҳими ҳалол меҳнат қилган кишилар соҳада кадр топаяпти.

Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси Фарғона чегара ветеринария пункти бошлиғи Равшан Матқурбоновнинг сўзларига қараганда Муҳаммад ака Расулов ишлаётган пунктдан Қирғизистонга, шу мамлакат ичида оролдек бўлиб қолган Сўх туманига ўтилади. Кейинги тўрт йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган катта ўзгаришлар туфайли тадбиркорларнинг экспорт қилиш салоҳияти кескин ортди. Биргина пиллачиликни олайлик. “Оқдарё ипаги”, “Нурли тонг силк”, “Зомин текс экспорт” корхоналари Хитой, Вьетнам сингари мамлакатларга ўнлаб тонна ипак толаларини экспорт қилишди. Бу жараён айна чоғда ҳам давом этмоқда. “Премиум Чикенс” корхонаси эса Тожикистонга насли тухумларни экспорт қилмоқда.

– Бу хайрли ишларда пунктимиз ходимларининг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунмиз, – дейди Равшан Матқурбонов.

Севинч Эргашева

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ, БОБОЖОН

Бу гапни 90 ёшдан ошган бўлса-да, йигитлардек бардам бўлган пахтачилик ветврач Рамазон Бобоевга набиралари боб-бот айтиб туришади. Бобонинг фарзандлари болаларини етаклаб ҳовлига кирганда эса атрофни қий-чув босиб кетади. Ахир Рамазон бобо марҳум кампири билан 11 фарзандни ок ювиб, оқ тараб катта қилишди. Элга ош берган, фарзандларни уй-жойли қилган чоғида ҳам Яратганга шукр қилди, ветврачлик ортидан ризк топиб, болаларини ўқитди. Бугун у фарзандлари набиралар қуршовида, қарилик гаштини сурмоқда. Тўғри, кампири вафот этгач, бироз ёлғизланиб қолди. Сўнг ўзига эрмак топди, томорқада ишлайдиган бўлди, набираларга қайси экинни қайси пайт экишни ўргата бошлади. Ва яна қўй-қўзилар, сигир-бузоқларни даволашда ҳам у шогирдларига маслаҳатгўй. Чунки у ветеринария бўйича 8 йил муттасил ўқиган. Ўқишни дастлаб техникумда, сўнг институтда давом эттирган. Бундан роппа-роса 54 йил илгари ветврачлик дипломини олиб фермага келганда мўйлови эндигина сабза урган йигитча эди. Бундан қарангки, ялқовликка бўй бермаслик уни тез орада ветврачларнинг “каттаси”га айлантди. Дастлаб колхоз фермасига, сўнг туман ветеринария бўлимига раҳбарлик қилди. Ўз шижоати билан эл меҳрини қозонди. 1993 йил эса Рамазон Бобоевга Президент Фармонида кўра, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони берилди.



Биз ўз меҳнати билан кадр топган кекса ветврач Рамазон Бобоевни, у қатори республикамиздаги барча ветеринария фахрийларини, мутахассисларни энг улуғ, энг азиз айём –Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклаган ҳолда соҳамизнинг барча фидойиларига соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

ОТА КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ...



Вақтнинг зувиллаб ўтишини қаранг, кечагина ўз меҳнат фаолиятини пойтахтдаги туманлардан бирида оддий ветсанитар бўлиб бошлаган, сўнг институтда ўқиб, маҳоратини ошириб, билимдонлиги туфайли шаҳар ветеринария бошқармаси бошлиғи сифатида 9 йил ишлаган ветврач акамиз Рустам Ҳасанов 50 ёшни қаршилади. Қутлуғ ёш муборак бўлсин, дедик. Турли йилларда пойтахтдаги 4 та деҳқон бозорларидаги ВСЭЛ ларда мудир бўлиб ишлаган Рустамбойнинг дўстлари ҳам, шогирдлари ҳам кўп, у ёш бўлса-да, устозлик мартабасига кўтарилган. Баъзан жиддий қиёфада сизни танитай қилиши, эътиборсиз ўтиб кетиши ҳам мумкин, аммо Рустамнинг юрагида кири йўқ, шунчаки доимо ҳаёли ишда, соҳани янада тараққий эттириш ҳақида ўйлайди, фикр юритади.

– Бугун ветеринариянинг аҳамияти, нуфузи ошган маҳал ўқиб-ўрганишдан бир зум бўлсин тўхтамаслик керак, ана шунда муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади. Чунки катта маблағ эвазига хориждан келтириб ўрнатилаётган асбоб- ускуналарда бемалол ишлаш, натижага эришиш учун ҳам ақл, уқув ва яна зукколик керак-да, – дейди Рустам Ҳасанов. – Ветеринария амалиётида шундай нарсалар борки, бундан институтда ўрганиб бўлмайди, амалиёт ва яна амалиёт. Талабчан устоз қўлида пишган ветврачлар кўпайсагина соҳада ютуқлар ортади. Моддий-техник аҳволнинг самарадорлиги ҳам мутахассислар малакасига боғлиқ.

Биз яна бир бор ота касбини эъзозлаб, ветеринария соҳасида жонбозлик билан меҳнат қилаётган Рустам Ҳасановни қутлуғ айёмлар билан қутлаймиз. Сизга омад ва саломатлик ёр бўлсин.

Тахририят

ШИЖОАТИ БАРЧАГА ЎРНАК

Меҳнат – инсонни улуғлайди. Касб-кори туфайли инсон юқори мартабаларга эришади, элда эъзоз, ҳурмат топади. Бугун ўзининг қутлуғ 60 ёшини қарши олган, ўттиз беш йилдан буён Уйчи туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида турли лавозимларда ишлаб келаётган Абдулҳоди Ҳатамов меҳнати ортидан обрў-эътибор қозонганлардан.

1987 йили туман ветеринария бўлимида эпизоотолог вазифасида иш бошлаган қаҳрамонимиз соҳанинг етук мутахассислари Анатолий Александрович Шумилов, Мойне Михайлович Калантаров, Эргашбой Маъмуров каби устозлардан касб сир-асрорларини пухта ўрганди.

– Абдулҳоди ака чорва хайвонлари, парранда, борлиқ жониворларнинг «тили»ни тушунадиган, аниқ ташхис қўйиб, касалликни даволай оладиган етук мутахассислардан, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Валижон Болтабоев. – У нафақат касбининг жонкуяри сифатида, балки инсонийлик фазилатлари, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги билан ҳам бизларга ўрнак. Умр йўлдоши Муҳаррам опа билан камолга етказган фарзандлари Умида, Шавкатжон, Муроджонларни уйлаб-жойлади, етти нафар набиранинг бобоси ҳам бўлди.

Шу боис Абдулҳоди акани 60 ёши билан қутлаб, фарзандлари ҳамда шогирдлари камолини кўриб юришини тилаймиз.

Уйчи тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими жамоаси.

